

Носир НИШОН

ҲАЁТИМ ҚЎШИҒИ

(Воқеий ҳикоялар, ҳангомалар)

ТОШКЕНТ - «ИСТИҚЛОЛ» нашриёти- 2010

*Ушбу китобни орзу – умидларга фақат
меҳнат билан эришишга, доим ҳақ сўзни
айтишга ўргатган Мўмин оқсоқол ўғли мулла
Нишонбой отамни ва отиной Мастура
онамларнинг порлоқ хотираларига
бағишлайман.*

Муаллиф

Носир Нишон асли касби олим. Лекин унинг қалбини ҳаётий қизиқарли воқеалар, ҳангомалар ром этган. Улардан ижодкорона хулоса чиқариб, ўқувчиларни ҳам фикрлашга чорлайди.

Носир Нишон табиатнинг бетакрор тимсолини шеърӣ сатрларга муҳрлайди. Муаллиф ўз мисраларида, она ватан, муҳаббат, она ва фарзанд туйғуларини улуғлайди. Қалб тугёни ила йўғрилган самимий сатрлар Сизнинг ҳам эътиборингизни жалб қилишига ишонамиз.

© Носир Нишон

© «Истиклол» нашриёти 2008

БУЮК АЖДОДЛАР ЗАМИНИ

Ўрта асрларда Ўрта Осиёлик, бутун олам танийдиган, дунё тамаддунига муҳим ҳисса қўшган олимлар – алломалар кўп етишиб чиққан. Уларнинг сони етти юзга яқин, -деб гап бошлади яна бир қўшним.

-Хўш, олиму – фузолаларнинг шунча кўп бўлишига нима сабаб? – дўпписини ёстиқ устига қўйиб давом этди қўшним.

-Авваламбор, уларнинг барчаси Куръони Каримни яхши билишган. Қуронда эса, ўқинг, илм олинг, деган сўзларнинг кўплиги жиҳатидан бешинчи ўринда туришини немис олимлари аниқлашган. Шу боис, Ҳадиси-мукаррамаларда ҳам билим олишга давъат катта. Бухородаги обидаларнинг бирини пештоқида «мусулмон эркаклар –у, аёллар! Бешиқдан тобутгача илм олинглар! –деб ёзилган. Бу ёзув ҳозиргача сақланиб турибди.

Иккинчи сабаби бўлажак олимлар тўрт-беш ёшдан бошлаб ўқишган. Уларга, ўша замоннинг энг билимдон олимлари-ю улломалари сабоқ беришган.

Масалан, Абу Райхон Беруний ёшлигидан Хоразмда ижод қилаётган буюк олимлар таъсирида бўлган. Абу Али Ибн Синога эса тўрт ёшдан Бухоронинг энг таниқли табиби билим берган. Алишер Навоий эса тўрт ёшдаёқ «Қуш тили» китобини ёддан биларди. Унга ҳам сарой олимлари дарс берган. Улуғбекни ҳам 4-5 ёшдан илм олишга ундаганлар. Унга ҳам йирик олимлар дарс берган ва ҳоқозо.

Учинчи сабаби, олимларнинг ишларига давлат арбоблари, хусусан подшонинг ўзи катта мукофотлар бергани маълум. Битта эълон қилинган рисола учун 100 тилло, илмий китоб учун 1000 тилло мукофот бергани ҳақида маълумотлар бор.

Тўртинчи сабаби, ҳукмдорлар, уларда катта олимлар борлиги билан фархланишган. Олимларга зарурий шароитлар яратиб беришган.

Бешинчидан, олиму-фузолаларнинг рисолаю-китоблари тез чоп этилган.

-Ҳали кўрасиз, илму-фан ривожига эътибор кучаймоқда. Кўп ўтмай ўзбек олимлари аввалгидек дунёга донг таратишади! – деди қўшним ва совиб қолган чойидан бир ҳўплаб қўйди.

ФАРЗАНД ШУКРОНАСИ

Фарзанд кўриш ҳаммага ҳам насиб қилсин.

Биринчи, иккинчи фарзанд ўғил туғилдими, қиз туғилдими, барибир, ота-онани кўп ўйлантирмайди. Бордию, оилада уч ўғил кетма-кет туғилса, тўртинчиси-қиз бўлса, деб орзу қилишади. Башарти, кетма-кет уч қиз туғилса, кўпинча ота ташвишга тушади.

Бъази оилаларда фақат ўғил болалар туғилади, баъзиларида эса қизлар... У ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам ота-оналар бироз бўлсада, азият чекадилар. Шуни таъкидлаш жоизки, ўғил болаларнинг кўплиги, қиз болаларнинг кўплигига қараганда камроқ гап-сўзга олиб келади.

Кўп йилларда йиғилган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ўғил бола ёки қиз боланинг туғулиши, аввало Оллоҳнинг бандасига берган инояти бўлиб, қолаверса ота-онанинг миждозига тўғридан тўғри боғлиқ экан.

Маҳаллада истиқомат қиладиган беш-олти оилани ўргандик. Бу оилаларда тўрт, беш, ҳаттоки, олтита ўғил болалар бор. Ота ўзининг ўта фаоллиги билан ажралиб туради. Фаоллик, аввало уларнинг жисмоний меҳнатни кўп бажариётганидир. Барчаси жисмоний меҳнатни севади. Оиласида ҳам, жамоат ишларида ҳам фаол. Маҳалладами, уйингиздами бирор ишга таклиф қилсангиз: шанбаликми, ҳашарми, барибир, улар биринчилар қаторида чиқиб ишлашади, бошқаларни ҳам ишлашга ундашади. Маънавий, ва жисмоний жиҳатдан ҳам бақувват, ушлаган жойини узиб оладиган эркаклардан бўлишади.

Шу каби, жисмоний меҳнатни кўп бажарадиган ёки ҳар куни тўрт соат рақсни машқ қиладиган, ўша, ўзингизга таниш бўлган раққосаларнинг деярли барчасида қиз болалар туғилган.

Қишлоқ жойларда ўғил болаларнинг кўп туғилиши сир эмас. Зеро қишлоқдаги асосий ишларни эркаклар бажаради. Шаҳарда эса аксинча, қиз болалар кўп туғилади. Бу ерда аёлларнинг фаоллиги кўп бўлса керак.

Ҳарқалай, фарзандларимиз 12-13 ёшларида, эркаклик ёки аёллик хусусиятлари шаклланаётганда, уларга кўпроқ эътибор бериш керак. Ўша-ёш болалар, самакат, велосипед ёки от мингиси келиб қолади. Бу ҳолат бизда ҳам бўлган.

Бунинг сабабини мутахассисдан сўраганимда, 12 ёшдан бошлаб уч-тўрт йил бедов отларни минишга ўрганганини сўзлаб берган эди.

Мисолларни кўп келтириш мумкин.

Ҳаётий бу гапларни жуда кўп жойларда, ҳар-хил аудиторияларда айтганман. Барча жойда бу сўзларим ижобий қабул қилинган. Ҳатто, узоқ бир вилоятда меҳмон бўлганимизда, бир хонадонда суҳбат шу мавзуда бўлган эди. Икки киши: -«Эҳ домла! Нега 10 йил олдин сизни учратмаганмиз? Иккимизнинг ҳам ҳаётимиз бошқача бўларди» -деб айтган эди. Чунки, икки дўстнинг ҳам 5 тадан қизлари бор экан. Албатта, қиз ҳам, ўғил ҳам фарзанд. Лекин орзу ҳам бор-ку! Орзу эса, ҳар кимда ҳар хил бўлади.

ИСМНИНГ ҲАМ ОҒИРЛИГИ БОР

Экспедицияда ишласанг кўп жойда бўласан, кўп жойни кўрасан.

Навбатдаги хизмат сафарларидан бирида анчадан бери кўнглимга тугиб қўйган бир масалани ҳал қилмоқни мақсад қилиб қўйдим.

Гап шундаки, А. Бат қаламига мансуб Алишер Навоийнинг ўспиринлик даврини ифодаловчи «Ҳаёт бўстони» китобида шеърини мунозара таърифланади.

Мунозара айни қизиган вақти бир йигит дарахтнинг шоҳларига осилиб, бемаза қилиқлар қилиб, кўпчиликнинг диққатини ўзига тартади, мунозара олиб боришга халақит беради. Шунда Алишер Навоий бир шогирдини чақириб:

-Бориб сўрангчи, шу йигитдан. Унинг исми Аҳмад, ёхуд Шамсидин, ёхуд Алавудин бўлса керак, -дейди.

Шогирд бориб йигитнинг исмини сўраса, ҳақиқатан унинг исми-шарифи Аҳмад ибн Шамсидин ибн Аловутдин экан.

Шунда, шогирд Алишер Навоийдан, буни қайдан билдингиз, деб сўраса, ёш Алишер: «нима учундир, бу номдаги кишиларнинг баъзилари сал тентакроқ бўлишади,» деб жавоб беради.

Ушбу муаммо, амалда қай йўсинда эканлигини билиш учун иш билан қаерга борсак, ўшаерда Аҳмад, Шамсидин ва Алавуддин исмли кишилар борми-йўқми, агар бўлса, уларнинг характери билан қизиқдик.

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, Аҳмад исми кўп жойда бор экан. Шамсидин ва Алавуддин исмли кишилар жуда кам учради.

Биринчи Аҳмадни Жомбой туманидаги бир жамоа хўжалигида учратдик. Жамоа хўжалиги раиси билан суҳбатлашиб ўтирсак, идора бўйига навбатчи хонага кириб Аҳмад исмли кимса радиоузелга кириб олиб, у ердаги оператор қизга тегажқлик қилаётгани, ишлашга халақит бераётгани ҳақида гапирди. Раис Аҳмадни олиб келиш ҳақида буйруқ берди.

Аҳмадни олиб келишди. У маст-аласт эди.

—Аҳмад!-гап бошлади раис.-Уйингга бориб, дам олсанг бўлмайдами? Нега ишга халақит бераяпсан?

-Сиз мени нега «ахмоқ» деяпсиз, менинг исмим «Аҳмад», деб эътироз билдирди, у.

-Бўлди, уйига олиб бориб қўйинглар? -деди раис навбатчига.

Кейин билсак, Аҳмад ҳеч қаерда ишламайдиган, дарвеш бир одам экан.

Иккинчи Аҳмадни «Ишимоксоқ» деган қўрғонда учратдик. У ярим яланғоч ҳолда, кўлига таёқ олиб, кўчада у ДАН ходими ваифасини бажарарди. Ҳар бир машинага «таёқча» билан ишора этиб, йўл четига-тўхташга буйруқ берсада, ҳеч бир машина тўхтамасди. Шунда Аҳмад кўчанинг бошқа томонига ўтиб, яна ўз ишини давом эттирар эди.

Учинчи Аҳмаднинг уйи ҳам, шу қўрғонда-биз ётиб юрган уйга яқин жойда бўлиб чиқди. У киши ҳам савдои, ҳам дарвеш сифат экан. Бир ўзи бир ҳовлида. Ҳаммаёқда одам бўйи бурган ўсган.

Аҳмаднинг эса ўнга яқин мушук ва итлари бор. У девоначилик қилиб, топган нон ва бошқа емишларни, ҳайвонларга берар экан.

Тўртинчи Аҳмад ҳам, олдингиларидан қолишмас эди. У уйланган, болаларига қарамас, уйдан кетиб қолган. Ҳар хил жойларда ётиб юради-ғирт дайдининг ўзи.

Кейинги Аҳмад эса бутунлай кар ва соқов эди.

Сафаримиз давом этар, қаерга борсак ҳам, биринчи вазифа — Аҳмад деган одам борми, буерда?-деб сўрардик.

Орадан кунлар, ойлар ўтди. Иттифоқо, Ҳатирчи туманидаги тоғолди қишлоқларидан биридамиз. У қишлоқ туман марказидан қирқ чақирим узоқда экан. Юк машинасидан геодезик асбоб-ускуналарни тушуриб, бир агрономнинг уйида тунайдиган бўлдик.

Тушликни қилиб, жой билан танишиб чиқиш учун, қўлимга харита олиб ташқарига чиқдим. Харита бўйича бироз юриб уни-буни белгиладим.

Атрофимда ўнга яқин ҳар хил ёшдаги болалар менга ҳамроҳ бўлишиб чуғурлашар, ниманидир баҳслашар, болаларга хос қизиқовчанлик, қайсарлик, қолаверса ўзини ҳам кўрсатгиси келадиган, бошқаларнинг диққатини тортадиган гаплар, қилиқлар қилишарди.

Болаларнинг орасида думалоққина, кўзлари катта-катта, оппоққина, қиртишлаб олинган сочи энди ўсабошлаган, оқсоқланиб юрадиган бола диққатимни тортди. У фақат мени бошқаларга кўрсатиб:

-Менинг акам, менинг акам, бизларникида ётади, бу киши, -деб мактанар, лекин, болалар унинг гапига эътибор бермасди. Унинг қилиқлари бошқа болаларникига ўхшамас, одамнинг гашини келтирарди.

Мен ахири:

-Тўхта, ҳей бола, мабодо отинг Аҳмад эмасми? –дедим. Болалар бўлса:

-Ўзингиз ҳозиргина келдингиз-у, бу болани қачон таниб қолдингиз? Унинг оти ҳақиқатан ҳам Аҳмад! -деб ҳайрон бўлишиб менга қарашди, -Аҳмад сал анақароқ, -дейишди улар.

Ўшанда рўй берган воқеани ўнлаб жойда, ҳар хил жамоада гапириб берганман. Ўшанда ҳам, яъни, «сенинг исминг Аҳмад эмасми»? –деганимда ҳам, ундан кейинги –ушбу воқеани неча бор сўзлаб берганимда ҳам, мана ҳозир ушбу сатрларни ёзаётганимда ҳам бутун баданим жунжиб, ҳар бир тук тагига, терида майда тариксимон думбоқчалар пайдо бўлиб, ўзим эса бироз муддат беҳол бўлиб қолганман. Мазам қочган.

Ўзимга ўзим ваъда берганман: бундан кейин Аҳмадларни ҳам, Шамсиддинларни ҳам, Алавутдинларни ҳам таҳлил қилмайман! Уларни тинч кўяман!

Бўлган воқеани изоҳлаш учун ўша Ишимоқсоқдаги масжид имомига бор воқеани сўзлаб берганимизда, у киши: Аҳмад исми Оллоҳнинг 99 исмидан бири бўлади. Бу исмни кўтарадиганлар бор, кўтараолмайдиганлар бор. Сизлар учратган Аҳмадлар, бу исмнинг оғирлигини кўтара олмаган Аҳмадлар, дедилар.

Бизлар, бу важга кўндик.

МАНТИҚИЙ ФИКР

Мантиқий фикр юритиш ҳам Оллоҳ берган неъмат.

Хонада Абдулла ака билан шахмат ўйнаб ўтирибмиз. Эшик шартта очилиб дўмбоққина, оппоққина қизча кирди. У яхши кейинган. Эгнида баллон куртка, оёғида ярқироқ туфли, сочи турмакланган, елкасига қимматбаҳо сумка илинган. У Абдулла акага қараб:

-Домла, ўғлингиз мен билан уйга кетадими? –деб сўради.

Абдулла ака эса, шахмат тахтасидан кўзини узмай:

-Мен қаёқдан билай? Келишган бўлсаларинг бирга кетасизлар, келишмаган бўлсаларинг...

Қиз, Абдулла аканинг гапини охиригача эшитмай эшикни қандай шиддат билан очиб кирган бўлса, худди ўша шиддат билан ёпиб чиқиб кетди.

Абдулла ака шахмат фигураларидан бирини суриб қўйди-да, деди:

-Носиржон, мантикий фикр, мантикий фикр, деб кулоқ-мияни ейсиз. Қани шу қиз ҳақида нима деяоласиз?

Мен ҳам шахмат ўйинни давом эттирар эканман, аста-секин қизни таърифлаб кетдим.

-Бу қиз, -дедим мен, -катта бир бошлиқнинг қизи. Онаси шифокор бўлса керак. Оилада беш фарзанд бор. Учтаси ўғил, иккитаси қиз. Дадасининг «Волга» машинаси бор. Улар ҳовлида яшашади, домда эмас... -Бироз ўйланиб олдимда, кейин -Бу қизнинг бульдог ити бўлган, у ўлган, -дедим.

Менинг бундай дадил гапларимга ўрганиб қолган Абдулла ака пинагини ҳам бузмади. Таажжубланмади ҳам. Ҳамон тахтадан кўзини узмай, салмоқлаб-салмоқлаб сўз қотди:

-Қойил, -гапларингизни ҳаммаси тўғри. Фақат бульдог ит ўлмаган, у йўқолган, -деди. -Дарвоқе, бульдог ити бўлганлигини, унинг ҳозирда йўқ эканлигини, қаёқдан билдингиз?

Талаба қизнинг хонага шундоққина кириб, икки оғиз гап айтиб, чиқиб кетганидан шунча маълумотни келтирганимга Абдулла ака таажжубланмай, фақат ит ҳақида савол берганига мен ҳам ҳайрон қолдим. Зеро, барча бунақа маълумотларни ҳисоблаб топиш, мен учун унча қийин эмас эди. Абдулла ака буни биларди.

Қизнинг замонавий, қимматбаҳо кийимларни кийиши, аввало, унинг рангирўйи, лоладек курткаси, кип-қизил юзига ярашиб турган шахло кўзлари, қора, яхши таралган сочлари ярқираб турибди. Гаплари, қилиқлари, мардоновор юришлари, ўзига ишонадиган ва мағрур қиз эканлигидан далолат берарди.

Қизнинг, шу жиҳатлари катта оилада, ўғил болалар билан ўсаётганидан, ўзини мағрур тутиши, яна, уялмай-нетмай, тўғридан-тўғри, ибони ҳам йиғиштириб қўйиб берган саволи, ота-онасининг катта ишда ишлаётганини билдирар эди. Катта раҳбарлар -ўша даврда «Волга»да юрар эди. Онасининг шифокор эканлигини эса, қизнинг очик-ойдин, кўркмай, ҳадиксиз гапиришидан билиб олса бўлади. Нима учундир, шифокор оналарнинг фарзандлари тўғри сўз бўлишади.

Фикримча, шифокор, ҳар хил беморни кўравериб, ҳар хил яра, синган-чиққан тана аъзоларини кесиб, боғлаб, чамаси, тўғри гапиришга, воқеликни тўғри талқин этишга ўрганиб қолса керак. Бу ҳолатларнинг ҳеч бирида алдаб бўлмайди. Чунки ҳар бир нотўғри айтилган гап, инсоннинг ҳаёти билан боғлиқ бўлади. Фарзандлари эса, ўша она бағрида вояга етади.

Ҳовлида вояга етган ёхуд, кўп қаватли уйларда истиқомат қилаётган йигит-қизларни ҳам ажратиш-унча қийин масала эмас. Участкада яшайдиганлар кўп ҳолларда ўзини анча эркин тутишади.

Бульдог итга келсак, у ҳақидаги маълумотни келтирганимга асос бўлган нарсалар қуйидагилар бўлади:

Авваломбор, қизнинг сочлари турмакланган бўлиб, одатда, эрталаб ит билан сайр қиладиган, улар билан чопиб, ҳар хил машқларни бажарадиган қизларда ўшандай соч бўлади. Соч ўртадан резинка билан боғланган бўлиб, унинг бир қисми чўткага ўхшаб осилиб турар эди.

Иккинчидан, қизнинг ўзи тўлагина, лекин ҳаракатчан эди. Бу унинг спорт билан шуғулланишини кўрсатарди.

Ундан ташқари, ҳалқимизда «мол эгасига ўхшамаса, ҳаром ўлади», деган мақол бор. Шу боис, қизнинг ити –бульдог ит бўлганини, тахмин қилдим.

Бульдог итнинг ўлганини ёки йуқолганини эса (аслида, бу икки воқеа ҳам бир нарсани –ит яқинда йўқ бўлганини билдиради) қизнинг хонага кириб келиб, уйга кетиш учун ўзига йўлдош излаётганидан билиб олдим. Демак, аслида қизнинг олдин «ўзига ўхшаган» ити бўлган, кейинги кунларда у билан сайр қилолмаган. Сочлари эса, одат бўйича, яъни сайрга чиқадигандек таралган. Сайрга бўлган чанқоклигини босиш учун Абдулла аканинг ўғли билан уйга бирга кетмоқчи бўлган.

Бу воқеа Артур Конан Дойлнинг Шерлок Холмс ҳақидаги қиссаларига бўлган муҳаббатимни янада оширди.

ЖАНОЗАСИГА БОРМАЙМАН

Бир имом билан унинг уйида чой ичиб ўтирганимизда бир ўспирин велосипедда келиб, фалончи киши вафот этди, жанозасига айтгани келдим, деди.

Бола кетгандан кейин эса, имомнинг афзойи бузулиб, жанозага бормаслигини айтди. Бизлар эса, ҳар бир мусулмон, агар унинг вақти бўлса, ким вафот қилганидан қатий назар, жанозага борса савоб иш эканлигини айтганимизда, у киши:

-Мархумнинг жанозасига бормаслигимнинг сабаби, ўтган асрнинг 30-йилларда ва ундан кейин ҳам, ҳалққа кўп азоб берган -у одам. Бироз муддат жамоа хўжалиги раиси ҳам бўлган. Ишга чиқмаган қарияларни, болаларни, аёлларни қамчин билан урган. «Отиб ташлайман», деб тўппонча ҳам ўқталган. Буни кўпчилик унутмаган. Кўп одамларни қаматган. Ўша сабаб, жанозасига бормаيمان, -дедилар имом бува.

-Бизнинг қишлоқда ҳам уруш йилларида бир аёл бригадир бўлган эди, -деб гап бошлади яна бир киши. -У отга миниб олиб, ҳовлима-ҳовли юрар эди.

«Ишга чиқмадинглар», -деб болаларни, аёлу-эркакларни отда туриб, қамчин билан калтаклар эди.

Эркакчасига сўкинар эди. Ҳамма ундан кўрқар эди. Чунки, ёнида милиционер билан юрар эди. Ундай-бундай десанг, уч-тўрт кун қамаб қўйиши ҳам ҳеч гап эмас эди. Вақти келиб, опа қариди. Касалга чалинди. Ўрнидан туролмайдиган даражада ётиб қолди. Ўшанда, уйига қишлоқ мулласини чақириб, -деди.

–Менинг гуноҳларим кўп, ҳамқишлоқларим олдида. Коммунистман, деб босар-тусаримни билмаган эканман. Мана, азобини тортаяпман. Бир неча

йиллардан бери азобдаман. Ўлиб ўлмайман, ёки туриб кетмайман. Болаларимни ҳам қийнаб юбордим. Оллоҳим ҳам мендан юз ўгирди шекилли, жонимни олса, ола қолмайди... ўшанда ҳамма кутиларди, мендан... Сиздан илтимос, вақтингизни аяманг, менинг ёнимда кўпроқ бўлинг. Мени ўқиб қўйинг, ўқийверинг. Дам солинг. Зора, бир қадар гуноҳим тўкилса...

Кўпчиликка таъзиқ ўтказган одамдам Оллоҳ ҳам юз ўгиради,- дегани рост экан. -Илтимос, мулла ака, менга дам солинг...

Минг афсуски, охиратини ўйламай биз ҳам билиб-билмай кўп ножўя гуноҳ ишларни қиламиз. Оллоҳим, бизларни кечир.

БЕМОР ЭРТАГАЧА ЎЛИБ ҚОЛМАС

Қўшним, уйимиз олдида кичкинагина, жуда шинам қилиб боғ яратган. Боғга кираверишда уйча бор, қишда сандал қўйиб иссиққина ўтиришни яхши кўради. Бир чеккада ошхонаси ҳам бор. Шўрвани солиб қўйиб, сандалда ётиб телевизор кўрадилар.

Кунларнинг бирида, участка шифокори боғ олдидан ўтиб қолди. Қўшним уни кўриб, боққа таклиф қилади. Дўхтир, чакирув бўйича кетаётганини айтиб, узр сўради. Қўшним эса:

-Ҳозир тушлик қиладиган вақт! Қайнатма шўрва тайёр! Унинг устига, бир ўзим овқатланишим ўзимга ёқмай турибди... Дўхтирим, кела қолинг, энди, бирга овқатланайлик! -деб қистовга олади.

Дўхтир ҳам кўна қолди.

Овқат олдидан иккаласи яримта ароқни ичиб олишди. Оч қоринга ичилган ароқ дўхтирни анчагина маст қилади. Устига-устак уйча чиройли қилиб безатилган, телевизорда кўнгилларни эритадиган мусиқа янграб турибди. Тагида тўрт қават кўрпача. Ёнбошлай деса –тўрт-бешта ёстиқ... Гапни қисқаси, дўхтирнинг буердан кетгиси келмай қолди.

-Мени чақирган касаллар эртагача ўлиб қолмас! Нима бўлса бўлди энди! Чойдан қуйинг ?! –деди у ёнбошлаб.

Икки пиёла чой ичгач, дўхтир аста секин пинакка кетади.

БИР ШАПАЛОҚ ҚИССАСИ

–Ўттиз йил домлалик қилиб, бир марта талабани урганман!- деди бир ҳамкасбим.

–У пайтлар пахтада 2-3 ой бўлардик. Бир йигитдан, бугун неча кило пахта тердинг, десам, 5 кило, дейди. Кеча ҳам ёлчитмагандинг, десам, у –кеча 4 кило терганман, ўсиш бор, дейди. Бошқалар 70-80 кило пахта теради. Бу эса, куни билан ётади. Кечга томон, бирозгина меҳнат қилиб, ярим этак пахта теради холос. Бу воқеа бир нача марта қайтарилганда, мен чидамадим. Ахир, ҳар куни штабда, бизни ҳам бошлиқларимиз чидаб бўлмас даражада урушишади.

Шундай қилиб, бир куни кечқурун ҳамма пахта майдонидан кетиб бўлганда талабани олиб қолдим-да, уни бетон латокка тираб: -Одам бўласанми,

йўқми? –деб бетига шаполоқ туширдим. У бўлса, бироз туриб, шапалоқ еган бетини қўли билан силади-да, менга қараб, жиддий оҳангда:

-Одам бўламан! –деди.

Биласизми? Ўша воқеадан кейин кундалик режани бажариб юрди. Унга бошқа танбеҳ берилмади.

Тошкентга келиб, ўқиш бошланганда эса, кафедрага талабанинг бобоси келди.

-Менинг наварамни Сиз урдингизми? –деди у олдида қўйилган чойдан бир ҳўплаб.

- Ҳа, менман, -дедим. Ҳозир бобо уруш-жанжал қилса керак, деб турганимда талабанинг бобоси:

-Тўғри қилибсиз! Мен ўзим уни анчадан бери бир урмоқчи бўлиб юрган эдим. Қўлим бормаётган эди. Ахир, мен унинг бобосиман... Сиздан шаполоқ егандан бери ўзгариш катта. Кечаси-кундузи дарс қилдади. Китоб ўқийди. Бизга бўлган муносабати ҳам ўзгарди.

Талаба институтни яхши тамомлади. Етук мутахассис бўлди.

Орадан йиллар ўтиб, бир йили уни шаҳар кўчаларидан бирида-курилиш майдонида кўриб қолдим. Ерости иссиқлик тармоғини алмаштиришга бошчилик қилаяпти.

Мени кўриб олдимга келди. Салом-аликдан кейин:

-Сиз урган шапалоқ ҳаётимни бутунлай ўзгартирди!

Раҳмат сизга! – деди.

ГЕНАФОНД

-Генафонд дегани, -сўзини давом эттирди кўшним, ирсий заҳира дегани. Ота-оналаримизнинг, буви-бува колонларимизнинг ва ундан олдинги ўтган онахону-боболаримизнинг ҳаёт, турмуши, соғлиғи қандай бўлган бўлса, ўшаларнинг таъсири бизда, болаларимизда, набираю чевараларимизда ва ундан кейинги дунёга келадиган авлодларимизда, оз бўлсада ўз аксини топади. Ирсимиз қанча тоза, беғубор, кучли, соғ бўлган бўлса-унинг таъсирида соғлом авлод пайдо бўлади.

Шу ўринда Амир Темури ҳақида гап айтмасдан иложимиз йўқ. Соҳибқирон келин танлашни давлат сиёсати даражасига қўтарган эканлар.

Келиннинг етти пуштини суруштириб, агар улар ёкса, кейин розилик берган эканлар. Ўғилларидан бири сархушлик қилиб, уйда уруш-жанжал қўтариб, оила тинчлигини бузганларида, уни қирқ кун зиндонбанд этганлар.

Сархуш ўғилдан сархуш фарзанд туғилади, деганлар.

Шерият мулкининг султони Алишар Навоий ирсиятни тоза тутиш ҳақида қайғуриб

Кучук билан ҳўтикка қанча қилсанг тарбия,
Ит бўлур, эшак булур, асло бўлмас одами,

деб ёзганлар.

Бобокалонимиз Фирдавсий эса «Шоҳнома» асарида ирсий тозалик, беғуборлик ҳақида қайғуриб, унга гард юкса, агар ирс айниган бўлса, унда, келгуси авлоднинг ҳолига ачинади:

Аччиқ мевали бир дарахтни агар,
Жаннатнинг боғига кўчат қилсалар,
Кавсардан сув ичса чанқаган маҳал,
Сув эмас, берсалар шарбату асал,
Етилгач, ҳосил ҳам беради ахир,
Ва лекин меваси бўлади тахир...
Зоти пастларга ҳеч умид боғлама,
Қаро тун оқармас, дилни доғлама.

-дейди.

Маънавий заҳирамиз ҳам бой. Ахир дунё ривожланишига катта ҳисса қўшган буюк алломалар биздан чиққан. Уларнинг кўпгина асарлари ҳизиргача сақланиб қолган. Фақат Улан Батор (Мўғилстон) кутубхонасида Ўрта Осиё тарихига доир 2 миллионга яқин қўлёзмалар мавжудлигини айтмаса бўлмас. Олимларнинг ҳисоблашича, уларни ўрганиш учун 400 йил ҳам камлик қилар экан.

Ўрта асрларда яшаб ижод этган алломалар ўзларининг илмий ишлари, ҳаёт тажрибалари, бадиий асарлари ва ўғитларию ҳадислари билан асирлар оша, кутб юлдузидай бизга йўл-йўриқ кўрсатиб туради. Улардан қандай яшашни, меҳнат қилишни, зарурий ирсий заҳирани яратишни ўрганса бўлади.

Улар буюк кадр қимматга лойиқ.

ИТ ВАФО...

-Жарқўрғон шаҳрида хизмат сафарида бўлганимда, -деб гап бошлади бошқа қўшним, Ўткир ака деган кишиникида бир-икки кун турдик. У киши каттагина қурилиш ташкилотининг бошлиғи эди. Уч-тўрт боласи бўлиб, уларнинг бари ўғил болалар эди. Энг каттаси, чамаси 15-16 ёшда бўлиб ўта ҳаракатчан, юриш туриши, гап сўзлари катта кишиникига ўхшаб кетарди.

Ўткир аканинг Йўлбарс исмли овчарка ити бор эди. Ўғил болалар эмасми, ит билан ўйнашни яхши кўришар эди.

Эрталаб вақтли туриб бадантарбия қилиш одатим бор. Одатни, хизмат сафарида ҳам ташламадим. Шаҳарнинг шарқ томони жарлик бўлиб, кенг қайир ерлар ола-була бўлиб Сурхон дарё сокин оқарди. Сувнинг ҳар жой-ҳар жойида оролчалар, ярим оролчалар пайдо бўлган. Ой ёруғида дарё синик ойна парчаларини эслатади.

Дарё кирғоғида бадантарбия қилиш кишига ҳузур-ҳаловат бахш этади. Эстетик завқ беради...

Ўткир аканинг тўнғич боласи Йўлбарс билан уёқ-буёққа чопар, кичик бир коптокчани отиб юбориб, уни Йўлбарс олиб келишини кутиб ўтирмасдан,

бошқа ёкка қараб чопар эди. Йўлбарс эса коптокни тишлаб бола кетидан югурар, коптокни болага бериб янги вазифани кутар эди. Анчагина машқларни бажариб яхши кайфият билан уйга қайтар эканмиз, эртага, яна бу ерга келамиз, деб қўярдик.

Куни билан хизмат сафарининг ҳар хил вазифаларини бажариб, кечкурун дастурхон атрофида тўпландик. Ўшанда Ўткир ака Йўлбарс ҳақидаги ҳикояни айтиб берди. Бўлган воқеага кўп йиллар ўтган бўлса ҳам Ўткир ака ҳикояси бизда катта таассурот қолдирди.

-Ит вафо-хотин жафо, -деган мақолни кўпдан эшитганмиз, –деб гап бошлади Ўткир ака. Йўлбарснинг энаси шу ҳовлида ўн йил хизмат қилди. Боримизга ҳам, йўғимизга ҳам кўнди.

Ҳовлимизга одам кириши уёғда турсин, кушларни ҳам кўндирмасди.

Деворларга кўнган кушларни чопиб бориб ҳайдар эди... Йўлбарс ўша итнинг боласи. Уни болалигидан ўзимиз тарбияладик. Яхши итнинг боласи ҳам яхши бўлар экан.

-Эсимда, -деб ҳикояни давом эттирди Ўткир ака. –Отамиз қаттиқ касал бўлиб қолдилар. Ҳаммамиз уясига сув кетган чумолилар каби, уёқдан-буёққа чопишиб беморга нафи тегадиган нарсаларни олиб келиш билан оворамиз.

Йўлбарс эса, увуллагани-увуллаган. Кечаси-кундузи ҳаловат билмайди. Ташвишимизнинг ўзи кўп. Ҳамманинг асаби бузилган. Бунинг устига Йўлбарснинг увиллагани юрак бағирни эзиб ташлайди. Орадан бир неча кун ўтгандан кейин отамиз оламдан ўтди. Уни кўмиб келдик. Ит бўлса, тинмайди, осмонга қараб увиллагани-увиллаган.

-Бу итнинг хосияти йўкка ўхшайди! -деди энам. –Йўқот!.

Ўзимнинг ҳам юрагим эзилиб юрувди. Термизга иш билан кетаётувдим, Йўлбарсни ҳам «Виллис»га олдим. Шаҳарнинг ўртасидаги хиёбонга етганда Йўлбарсни туширдим.

-Бор, энди! Ўз кунингни ўзинг кўр!,- деб машинанинг газини босдим. Ит ҳансираб, тилини осилтирганча бизга боқиб қолди...

Орадан беш олти кун ўтди. Иш билан яна Термизга бордим. Йўлбарсни машинадан тушириб кетган ўша хиёбонга яқинлашган сари, кўчани диққат билан кузатиб борардим. Машинамиз ўша ерга яқинлашиб борар экан, не кўз билан кўрайки, Йўлбарс бизлардан ажралган жойда ўтирибди. У анча ориқлаган. Туклари сийраклашган. Машинадан тушиб, унинг олдига яқинлашар эканман, у ҳам менга қараб юрди. Нимасини айтасиз, яқинда отам вафот этганидан йиғилиб қолган ғам-ғуссалар устига, Йўлбарснинг бир ҳафтача мени кутиб ўтиргани кўшилиб, кўзларимга ёш келди. Болаларимни кучгандай Йўлбарсни кучаман, деб уни ўзимга тортсам, у мени совуққина қарши олди. У шунча кун мени кутгани учун мендан хафа эди. Машина эшигини очдим деганданок, у ирғиб чикди. Йўлбарснинг қилиқлари ёш болаларникидан қолишмасди. Болалар ҳам уришиб хафа бўлишса, икки оғиз ширин сўз билан, кўзларини артиб сиз томонга оғиб кетишади. Йўлбарс ҳам индамасди. Орқа ўриндикда бўлса ҳам, менга яқинлашиб йўлни кузатарди.

Уйга келганимизда болаларим роса севинишди. Йўлбарс фақат энамга ёқмади.

-Яна топиб келдингми ордонани?! –деди энам.

Бир томони отамизнинг ҳайити, бир томони энамнинг кўнглига қараб, Йўлбарсни Жарқўрғондан 15-20 км келадиган чўлга –акамникига ташлаб келдим. Уйдан эрталаб чиқиб кетган эдик. У иш-бу иш бўлиб, кечкурун уйга келсам, Йўлбарсни уйда кўриб ишонгим келмади. У қандай қилиб йўл топиб келди экан. Ҳанузгача ҳайронман...

Энди бу итни ҳеч кимга бермайман, ҳеч қаерга юбормайман, деб қасам ичдим.

ҚАЛБ КЎЗИ

Аспирантурада ўқиб юрганимизда қизиқ бир воқеа бўлган эди. Ётоқхонада яшардик. Кунлардан бир кун эшик олдида турсам, Қўшмон дўстим кириб келди. Унинг, куни билан югур-югур қилиб чарчагани шундоққина кўриниб турарди. Қўшмоқ «ух» деб, оғир портфелини ерга қўйдию, телефонга ёпишди. У кимгадир, балким домласига бўлса керак, ниманидир тушунтирар, кечирим сўрар, ишни давом эттириш режасини келишар эди. Мен, уни портфелини олиб ўз хонамизга равона бўлдим. Унинг чарчаганини кўриб ёрдам берай, дедимда. Портфелини олиб кетаётганимни, унга кўрсатиб ишора ҳам қилдим.

Шу шу хонага кириб ўз юмушларим билан машғул бўлдим. Қўшмон келавермади. Кўпинча у чарчаб келиб, ўз мутахассислиги бўйича ўқийдиган қизларнинг хонасига кириб кетарди. Бу гал ҳам шундай бўлгандир, деб ўйладим. Кейин эса, Қўшмоннинг кечикканини унутдим ҳам.

Кеч кирди. Шом чўкди.

Бир маҳал, Қўшмон янада эзилиб, чарчаб кириб келди. Истамайгина ҳол-аҳвол сўраб, ўзини кроватга ташлади.

-Тамом, бўлди, ҳаммаси! –деди у хўрсиниб. -Эй, парвардигор! Шунчалар ҳам қийнайсанми, фақир бандангни!? Етим ўсганим етмасмиди!?... Бир бошга шунча ташвишми?

Мен сергак тортдим.

-Нима бўлди ўзи? Фалакнинг гардиши тешилдими? Бошингга осмон ўйилиб тушдими? -дедим.

-Нима қилай дўстим!?-дейди Қўшмон. Бутун шаҳарни кезиб чиқдим. Овқат еган ошхонами, кутубхонами, домланинг уйими, институтми... ҳеч қаерда йўқ. Барча ҳужжатларим, тайёр диссертациям ҳам йуқолди!... Энди нима қиламан!?

-Айтганларинг портфелда эмасмиди? –дедим.

-Ҳа-да, портфельда эди. Ўша портфелим йўқ!

-Ҳовликмай кет!? Портфельни мен олиб кирдимку, хонага! Сен телефон қилиш билан овора эдинг... Чарчаб келибди, дўстим, деб портфелингни олиб кирдим. Олиб кета ётганимни кўрдингку! –дедим. Китоб жавони ёнига қўйилган портфелини кўрсатдим.

Кўшмонга ранг кира бошлади. У мени кучиб ўпар, ўн йил кўришмаган дўстдай тез тез бағрига босар. Хурсанчилигининг поёни йўқ эди...

Ўта муҳим ишлар ҳақида ўйлаб юрганингда майда чуйда ишлар кўзингга кўринмайди, деганлари тўғри экан. Баъзида кўзинг билан кўрасан, лекин қалб кўзи, дил кўзи билан кўрмасанг фойдаси йўқ. Кўзингни лўқ қилиб кўрасану ҳаёл муҳим ишда, муҳим вазифада бўлади.

БУҚАЛАМУН

-Товуқларинг томорқани титиб ташлади, гўнглари сочиб, кашнич, укроплари еб қўйди!? Ахир товуқ боққан одам уларга қарамайдими? –деб кўшнимни қойидим.

Далиллар асосли бўлгани учун кўшним сўз тополмай лол турганда, ундан арра сўраб чиққан бошқа кўшним деди:

-Товуқ бўлгандан кейин титади-да! Нима қилибди? Гўнглари сочган бўлса, бу яхшику, хизмат-беминнат! Шунга ҳам ота гўри қозихонами?

Орадан бир йилча ўтди. Яна ўша воқеа содир бўлаяпти. Деярли ҳар куни. Арра сўраган кўшнимнинг ўша пайт иши битган, албатта аррани қайтиб берган. Устига-устак, арра берган-ўша товуқбоқар кўшним билан, ниманидир талашиб ораларига совуқлик тушган.

Томорқада яхши жой қилинган. Ўрик таги. Сув сепилган, салқин. Арра сўраган кўшним билан нарда ўйнапмиз.

Бирдан томорқага ўша-ўша бир гала товуқлар, хўроз бошчилигида кириб келди.

Арра сўраган кўшнимнинг фиғони фалакка чиқди. Товуқлар унга гўё қандайдир ёввойи ҳайвонлардай кўринди. Менга, бўш одамсиз, деди. Ахир шу товуқларни ўтган йили йўқотишингиз керак эди.

Кўлига ўқловдек таёқни олиб, чинакам куч билан хўрозга отди.

У хўрозга тегиб «тап» йиқилиб ўлиб қолди. Бу етмагандек, «арра олган» кўшним хўрозни олиб деворга қараб урди.

Мен бўлсам, «арра берган» кўшнимга, энди нима деб, жавоб бераман, деб кўрқиб қолдим. Тезгина ҳовлини ёпиб «арра олган» кўшним билан чиқиб кетдим.

Эрталаб боққа кирсам, не кўз билан кўрайки, ўша товуқлар, ўша хўроз: яна ҳамма нарсаси сочилган. Ҳаммаёқ дабдала... хўроз ўлмаган экан. У анча вақт ётиб, кейин туриб кетган бўлса керак...

Лекин «арра олган» кўшнимнинг қилиғи ёқмади менга. Битта оддий масалада, «арра берган» кўшнимга иши тушиб турганда-унинг томонини олди, иши тушмаганда -менинг томонимни олди. Ҳатто, унинг хўрозини «ўлдириб» қўйяй, деди. У менга буқаламунни эслатди. Шароитга қараб, кўринишини ўзгартиради-да, бу ҳайвон.

БЕДАНА ОВЛАШ

Хеч бедана овлаганмисиз? Бунинг ўзгача гашти бор...

Ёшлигимда қишлоғимизнинг четида отхона бўларди. Ёз ойлари, куёш-ерни, бутун борлиқни тандир каби қизитиб ҳаммани уйига «хайдайди». Одамлар иссиқдан бекиниб, соя-салқин жойларни танлашади, кексалар кўпинча ухлаб ҳам олишади. Бундай пайтларда фақат болалар тиним билишмайди. Улар чўмилишади, болаларнинг қий-чуви оламни қамраб олади. Баъзи болалар бўлса салқин жойларни танлаб, уч-тўртта бўлишиб ёнғоқ ўйнашади.

Отхона қоровули ҳам бундай пайтда дам олади. Ўшандан фойдаланиб, биз ҳам икки-уч бола девор ошамиз. Отларнинг олдига борамиз. Улар пишқириб, думлари билан пашшаларни ҳайдаб олдиларидаги охирдан хашак ейдилар. Отлар кетидаги устунларни пана қилиб, аста уларга яқинлашамиз. Бўлмаса тегиб ташлаши мумкин.

Пашша кўриётган думларидан икки-уч қилни ушлаб тортамиз. От бунга парво қилмайди. У қилдан, кейин тузоқ ясаб, бир қисмини лойга ботириб, лойни укалаб тухумдай-тухумдай қилиб, куёшли жойга қўямиз.

Икки-уч кунда қуриydi. Кейин уни бедана кўп бўладиган жойларга қўямиз. Бедапояларнинг четларида курмак кўп жойлар бўлади. Ўша жойларга тузоқ қўйилади. Тузоқни иккита кесак орасига олиниб, у силжимайдиган қилинади. Шундай қилиб, беданага бир йўл қолади. У ҳам бўлса сиртмоқ орқали. Сиртмоқни у ёғига ҳам-бу ёғига ҳам озгинадан тарик сепилади. Бир томондаги тарикни еб бўлгач, у томондаги тарикни ейман, деб сиртмоққа бош суқади. Бошини кўтарганда у сиртмоққа тушади.

Башарти, бедана тузоққа тушмаса махсус ҳуштак-кирик чалиб чақирилади. Гап шундаги беданалар кўпайиш пайти кўп сайрайди. Эркаклари макиёнлари талашиб урушишади.

Шу пайт, макиён беданага ўхшаб ҳуштак чалса эркак беданалар учиб келишади. Ҳуштакни ёғочдан, қошиқсимон қилиб ўядилар, «қошиқнинг» ушлайдиган қисмига ингичга ичи бўш қамишдан, найникига ўхшатиб тешикча ясайдилар, сўнгра қамишнинг бир томони бекитилиб қўйилади. «Қошиқ»нинг очиқ томонини сиртга қилиб, оғизга тикилади. Лунжни бармоқ билан урилса макиён бедананинг сайрашига ўхшаб товуш чиқади. Ўтлар орасига ётволиб чалинса, эркак беданалар сайраб-сайраб келаверади. Олдига катта тўр ташланган бўлади. Келганини сезгач, бақириб-чақириб уни кўрқитилади. Шунда, бедана кўтарилиб, учаман деса, тўрга тушади. Агар, бедана келиши тузоққа мўлжал қилинган бўлса у тузоққа илиниши мумкин.

Бедана овининг яна бир тури бор. Кечқурун қоронғи тушгандан кейин, беданалар айна уйкуга кетадиган пайти бўлади. Ўшандай пайтда, узунасига 20 метр, эни 7-10 метр келадиган тўрни икки четидан икки бола бедапоя чети бўйлаб қўлларига машъала билан тортишади. Кетларидан 5-6 бола тўрни четларидан ушлаб, бақириб-чақириб боришади. Бедапоялар машъала ёғдусидан уйғонишиб улгурмасдан, тўрнинг орқасидаги болаларнинг қий-чуvidан

саросимага тушиб «пар» этиб учмоқчи бўлишади-ю, устидан ўтаётган тўрга ўралади.

«ЖИГУЛИМ» МЕНИНГ

Ишхонадан чиқиб, қарасам олдимдан бир «Жигули» машинаси ўтиб кетаётибди. Кўриниши, ранги худди меникидай. Аввалига, менинг машинамга жуда ўхшаркан, деб ўйладим. Кейин, машинанинг рақамига назар солсам, менинг машинам экан. Машинамизни ўғрилар опқочиб кетаётганини тез тушуниб етдим.

Тезгина катта йўл четига ўтиб такси тўхтатдим. Унга ўтирибоқ, машинани тез ҳайдашни айтдим. Яъни киракашга воқеани ҳам тушунтирдим. Узоқда «Жигули»ни кўрдик. Киракаш бақувват йигит экан. Такси тезлигини оширди. «Жигули» ҳайдовчиси биз қуваётганимизни сезди шекилли, у ҳам тезлигини оширди ва светофорнинг қизил чироғига қарамасдан чорраҳадан ўтиб кетди. Биз ҳам ундан қолишмадик. Бироз муддат ўтиб «Жигули»ни йуқотиб қўйдик. Қаёққа юришни билмай қотиб қолдик. Анча вақт нима қилишни билмай бошимиз қотди. Сўнгра фикрни жамлаб машина ўғирланиб опқочиб кетилгани ҳақида хабар бериш учун тегишли идорага йўл олдик. У ердан чикқач киракаш билан кайфиятимиз бузилиб, бир йўловчи олиб машинани аста-секин ҳайдаб келаётсак, не кўз билан кўрайликки, яна олдимизда «Жигули» -менинг «Жигулим» пайдо бўлди. Унда тўрт ўспирин ўтирар эди. Киракаш сергак тортди, машина тезлигини оширди. Қўлини узатиб ёнида катта калит борлигига ишонч ҳосил қилди. Уни ушлаб, яна жойига қўйиб қўйди. Яна қувиш бошланди. Киракашнинг, ҳарқалай тажрибаси кўп экан, машинага етай-етай деб қолди. «Жигули» эса қаёққа юришини билмай, охири бир кўчага кескин бурилди. Биз ҳам унинг кетидан бордик. Бахтимизга у кўча -боши берк кўча экан. Буни сезган «Жигули» ҳайдовчиси машинага кескин тормоз берди. Машинанинг тўрт эшиги очилиб ундан тўрт киши отилиб чиқди. Тўртталаси тўрт томонга қочди. Таксидан тушиб машинам олдига бордим. Унинг тўрт эшиги ҳам очик эди, мотори ўчмаган. Эшикларни ёпдим.

Машинага ўтирар эканман нима учундир титроқ босди. Машинам ҳам титрар эди.

Киракаш ҳам келди. У ҳам хурсанд эди. «Жигули»ни текисроқ жойга олиб чиқиб қўйдик. Моторини ўчириб, такси олдига бордим. Орқа ўриндикда ўтирган йўловчи бизнинг қувишмамиздан кўрқиб, эсдан кетиб қолибди. Киракаш унга сув пуркаб сал ўзига келтирди. Сўнгра зудлик билан иккита машинада касалхонага бордик. Йўловчи ёши элликларда бўлган семизгина киши эди. Уни, ўзига келиб, соғайиб кетишини эрталабгача кутдик. Бахтимизга, дўхтир чиқиб, касал ўзига келди, бир-икки кун шу ерда бўлади, деб айтди. Касалнинг уйига хабар бердик. Кейин киракашга минг бор раҳматлар айтиб, рози қилиб уйга келдим.

-Қаерларда юрибсиз дадаси?! -ховлиқиб кутиб олди хотиним. -Одам ҳам шунақа беғам бўладими?...

Келинингизни тўлғоқ тутиб туғруқхонага олиб кетди ўғлингиз! Чақалоққа керак бўлган майда-чуйдаларни тайёрлаб қўйибман! Олингда, тез боринг олдига!

“Жигули”яна йўлга тушди.

ТУХУМДАЙ ТАЛҚОН

Уруш йиллари эди. Уч-тўрт яшар боламан. Опачам озгина жўхарини бурчокқа аралаштириб товада қўғириб, латтага ўраб қайроқ тош билан бир-икки урдида, тухумдай қилиб тугуб берди.

- Ма, опанга олиб бор!... Қаерда ишлаётганларини биласанми?

- “Бой бўл” тепага борадиган йўлдада!...

Ёз куни эмасми кўчадаги тупроқ оёқни куйдирарди. Яланг оёқ пилдираб кетдим. Бир пастда опам ишлаётган далага етдим.

Кенг дала. Ҳар ер-ҳар ерда аёллар якка-якка ишляпти. Катта кесаклар оралаб опам томон бораман. Опам кесакларни кетмон билан қарс-курс уриб уларни майдалаяпти. Мени кўрди. Кетмонни ерга ботириб, мен томон юрди. Қўлимдагини олиб очди. Бир оғиз сўз айтмасдан, талқонини ярмидан кўпини оғзимга солди. Қолганини эса ўзлари еди. Бригадир аёл кўринди. Ёнида милиционер ҳам бор. Опам тезгина жойига қайтди. Мени эркаламади, ўпмади. Опамдан хафа бўлмадим.

Ҳар кимнинг бирор кишиси-эrimi, ўғлими, жияними урушда вафот этган.

Ўша йилларни эсласам опамга олиб борган “тухумдай тугилган талқон” ёдимга тушади. Уруш йилларидан қолган аянчли эсдалик бу.

САБОҚ

Қишлоғимизга сел келди. Кўпгина уйлар, кўприклар, дарахтлар унинг қурбони бўлди. Сойда бўтана сув билан ҳар-хил нарсалар окди. Сел қайтгач, улар ичида катта-катта қалин қоғозли қутичаларда папирослар ҳам борлигини кўрдик. Уларни думалатиб панароқ жойга яширдик. Ҳар куни мол боқиш бахонасида тўпланишиб, ҳали яхши куриб улгурмаган папиросларни чекишардик. Шундай қилиб чекишга ўргандим. Ўшанда ўн икки ёшда эдим.

Орадан ойлар, йиллар ўтди. Машина ҳайдайман. Хизмат сафаридаман. Ҳайдовчи халқи ишдан кейин уйқуни яхши кўради. Меҳмонхонада ухлаб қолибман. Қўлимдаги папирос гиламга тушиб ҳаммаёқ ёниб кетибди. Ўт ўчирувчилар мени зўрға қутқариб қолишибди. Кўп жарима тўладим. Олти ой касалхонада ётдим. Ўттиз иккига кирганимда ҳам касалхонада эдим. Ўшанда қасам ичганман. Шу ердан эсон-омон чиқсам, чекмайман ҳам, ичмайман ҳам, деб. Ҳозир олтмиш иккидаман. Ўттиз йилдирки чекканим йўқ, ичганим ҳам йўқ.

ЧАҚҚОН АЁЛ

Тўрт киши “Нексия”да хизмат сафаридан қайтаяпмиз. Ҳамроҳим деди:

- Илтимос, машинани ўнгдаги кўчага булинг?! Шу атрофда бир аёл яшайди. Келинингиз билан бир йил яшаганмиз шу аёлнинг уйида. Бирров

кўриб кетайлик?! - Машина йўл четида тўхтади. Биз уйига бораётган аёл шундай кўча юзида, дарвозаси олдида майда-чуйда сотиб ўтирган экан. Бизни кўрдию ҳамроҳимизни таниди, қуюқ кўришди.

Бизни ҳовлига таклиф қилди. Қурт, писта ва шунга ўхшаш нарсалар, ёйилган дастурхонни зудлик билан йиғиштириб ўзи билан олиб кирди. Бизни уйга таклиф қилди. Хонтахта атрофига солинган кўрпачалар устига тахвондан янги кўрпачалар олиб солди. Тезгина дастурхон ёзди. Унга нон ва ширинликлар, ичимлик сувлар қўйди. Ўтириб ҳар биримиз билан ҳол-аҳвол сўрашиди. Айвондаги газда чой қайнади. Чой дамлади.

- Вой, айланайлар-ей! Бир кўриб кетайлик дебсизлар-да! Барака топинглар!... - Қандай, келиннинг тани - жони соғми? Хизматларни бажариб юрибдими? - ҳамроҳимизга муражоат қилди аёл.

- Ҳа, келинингиз яхши юрибди. Салом деб юборди. Сафардан қайтиятганингизда албатта, олдиларига кириб - деб тайинлади.

- Сизлар гурунглашиб ўтиринглар, мен ҳозир...

Узоқ йўл юриб чарчаган эканмиз. Ундан-бундан гаплашиб ўтирдик. Ҳар бир пиёла ичилган чой танга ҳузур-ҳаловат бағишлайди. Айниқса, бу аёлнинг очик кўнгил, очик чехра билан қилган муомаласи ҳаммамизга жуда ёқди.

Бир фурсат ўтиб: “Биз турамиз энди, онахонни чақиринг?!”, - деб ҳамроҳимизга айтиб улгурмасдан, бир лаган палов, қирғичдан ўтган турп ликопчага солинган бодринг ва бошқа тузламалар олиб келди бу аёл ...

“ОППОҒИМ” ДЕНГЛАР?!

Қорачадан келган улфат жўрабошига арз қилди:

-Улфатлар мени “Қаровой”, деб чақиривади. Менга ёқмайди - улфатларнинг бу қилиғи.

-Улфатларга атаб чойхона палов қилиб берсангиз, албатта чорасини кўрамиз!...

Ўтириш ташкил қилинди. Ош еб бўлингандан кейин қарор қабул қилинди:

- Бугундан эътиборан бу йигитни “Қаровой” дейиш ман этилади. Уни энди “Оппоғим”, деб чақиринглар.

БЕДАНА КАБОБ

Севимли академигимиз Тошпўлат Ширинқулов ниҳоятда камтарин, самимий, ҳалол ва талабчан олим.

Кунлардан бирида домла улфатлари билан чойхонада ош қилишибди.

Мўл-кўл, турли-туман овқатлардан анчаси ортиб қолибди. Исрофгарчиликни ёмон кўрадиган домла бироз аччиғи чиқибди, ўтиришни ташкил қилганлар анча дакки ебди.

Ташкилотчилар бедана кабоб ҳам буюришган экан. Хизматчи йигитлардан бири катта тоғорада кабоб кўтариб кирибди. Яхшиямки, домла эшикка тескари

бўлиб ўтирган экан, тоғорани кўрмабди. Ўнг ўтирган катта ҳалиги тоғора олиб келаётган йигитга қўли билан “ олиб кет, тез олиб кет” ишорасини қилибди.

Ўтирганлар навбатдаги танбехдан кутилиб қолибди.

ЎРНАК

Ёш мутахассислар тажрибали узтозлардан ўртак олса айнаи муддоа бўлади.

Камина ишлаётган идора лойиҳа институти бўлгани сабабли, шу соҳада хизмат қилаётган ёши катта, ниҳоятда обрўли –эътиборли беш мутахассисдан ўртак олганман:

- биринчисидан, ҳисоб-китоб ишларни тўғри, асослаб, аниқ бажаришни;
- иккинчисидан, чизмаларни дадил, аниқ - равон, батафсил чизишни;
- учинчисидан, лойиҳани расмийлаштиришда зарурий талаблар бўйича бажаришни;

- тўртинчисидан, озода ва тоза, покиза дит билан кийинишни;

- бешинчисидан, камтарин, самимий, ҳалол меҳнат қилишни.

Натижаси ёмон бўлмади. Бир йилдан кейин сувратим лойиҳа ташкилоти жойлашган вилоятдаги идорадагина эмас, балки Тошкентда бош бошқарманинг ҳурмат тахтасида осиб қўйилди. Шунга яраша обрў-эътибор, ҳурмат шаклланди.

Камина ўртак олган мутахассислардан умрбод миннатдорман!

КЕЛДИЁР

Пахта теримининг биринчи кундаёқ телешкага осилган тарози ишламади. Тарозининг юк осиладиган қисмида, уни мувозанатда сақлайдиган “тили” бўлиши керак. Ҳисобчи ўшани топиб келиш учун кетди. Бекор қолган вақтда пахта топшириш учун келганларга ривоят айтдим:

- Ёш, янги иш бошлаган аграном йигит далаларни кўриб юриб, ишлаётган қизлар олдида тўхтаб, улардан: “Нима экаяпсизлар?”, - деб сўрабди. Улар эса “Оласига чигит экаяпмиз!” –дейишибди. Аграном бўлса “Мен ғўза экаетган далага боришим керак эди”, -деб кетиб қолибди. Шунда шаддот қизлар шўх кўшиқ айтишибди:

Ўзи келди, ёр-ёр, ўзи кетди, ёр-ёр,

Ғўза, чигит фарқини билмай кетди ёр-ёр!

Ҳамма кулди.

- Қойил, ҳисобчининг исми” Келдиёр” эканлигини қаёқдан билдингиз?!- Ўзларингиз ҳозир келдингизлар-ку! – деди ҳисобчининг ёрдамчиси...

Тасодифни қаранг.

ТРАКТОР

Кечга томон «Беларусь» трактори ариқ лабида тўхтади. Тракторчи: “Али-жо-н!, Хой, Вал-и-ж-о-н!” – деб болаларини чақирди. Улар трактор товушини эшитиб, тайёр туришган эканми, тез чиқишди. Челақда ариқдан сув олиб, латта

билан тракторни ювабошлади. Трактор эгаси четроққа ўтириб, томоша қилиб турди. Болалар анча вақт ишлашди. Энди, навбат тракторчига келди. У оқ латта билан аввал мотор устини, бошқарув тизими, ҳаракат тизимлари, олдинги ва кейинги ғилдиракларни яхшилаб артди.

- Намунча, бола чўмилтираяпсизми?, - деди кўчадан ўтаётган ҳамқишлоқларидан бири. – Ҳар куни шу аҳвол, эринмайсизми? Болаларга ҳам азоб-ку бу ишингиз?!

- Трактор оиламизни боқади! У ҳар пайт кўпқарига қантарилган от мисол хизматга тайёр туриши керак!

ЭЧКИЭМАР

Хатирчи туманининг тоғолди адирларидамиз. Отда юриб харитада тафсилотларни белгиладим. Яқин ўн-ўн беш чақиримда одам зоти йўқ. Мен билан бирга юришга белгиланган вакил харитага қараб: “Мен сизни мана бу қишлоқда кутаман. Ўша ерда тушлик қиламиз!” – дея отини тезлатиб кетди.

Бироз юрдим.

Узоқ-узоқларга боқдим: бепаён, сирли тоғ тизмалари. Олис-олислардан кўз илғар-илғамас оч кўк ва кўнғир рангли “тасма” билан бирлашган тизмалар...

Гўзалликка махлиё бўлиб отдан 5-6 метрларда биз томонга қараб турган, узунлиги тахминан бир ярим метр келадиган эчкиэмарга кўзим тушди. Сесканиб кетдим. Отим мендан олдин эчкиэмарни кўрганга ўхшайди. У думини силкитиб, пишқириб қўйди, кулоқларини динг қилди. Ўзимни босиб олиб, аста отдан тушдим. Эчкиэмар менинг ҳаракатимдан “хайратланиб” ўзини ҳимоя вазиятига олди. У пишқириб дам берилган трактор балонидай шишди. Унинг боши ва танасида ҳосил бўлган дўмбоқчалар янада катталашди, чилвирда-чилвирдай бироз эгилиб бирлашган икки тилини шиддат билан чиқариб тез тортиб олди. Бу ҳолат тез-тез қайтарилар эди. Баданларим жунжикиб анчагина кўркқан бўлсамда, ўзимни кўркмасликка олиб, аввало ўзимга таскин бердим. Ердан иккита лавлагидай – лавлагидай тош олиб, уларнинг бирини эгарга қўйдим иккинчисини қўлимда ушлаб, отга миндим.

От турган жойидан қимирламади. Гўё бу воқеа нима билан тугагини кутаётгандек.

Тошни эчкиэмарга отдим. Тош ундан бир-икки метр берига тушди. Эчкиэмар бир бурилиб олди-да, яна вишиллаб шишди. Иккинчи тошни отдим. У ҳам тегмади. Лекин эчкиэмарга анча яқин жойга тушди.

Эчкиэмар аста бурилиб олди-да, тез кўздан тезда ғойиб бўлди...

Динозаврлар оиласига мансуб бу эчкиэмарни далада табиий шароитда биринчи марта кўришим эди.

ФОТИҲА

Одатда Қурони Каримдан сура ўқиб яратгандан: “Осмонимиз мусаффо, заминимиз тинч, оиламиз осойишта, имонимиз бут бўлсин” - деб фотиҳа

қиламиз. Сўнгра бемор бўлиб ётганларни тузалиб кетишини Оллохдан сўраймиз, армия сафида юрганларни, шунингдек узоқ мамлакатларда хизмат юзасидан юрганларни ёки дам олишга кетганларни сихат –саломат ўз юмушларини адо этиб уйларига, бола-чақалари ҳузурига қайтишларини яратгандан сўраймиз.

Хўш, фотиҳа илтижолари ўз эгаларига бориб етадими ёки йўқми?!

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, фотиҳа натижалари ўз эгасига етиб борар экан.

Дунё миқёсида барча динларга, ирқларга ва эътиқодларга мансуб одамлар устида олиб борилган ўн мингдан кўпроқ тажриба ишларининг натижалари шуни кўрсатдики, барча фотиҳа илтижолари ўз эгасини ер куррасининг қайси жойида бўлса ҳам топар экан.

Барча тажриба ишларидан аввал, тажрибага қатнашаётган одамлар организмни кимёвий таҳлил қилишган, сўнгра, тажрибадан кейин ҳам кимёвий таҳлил қилишган. Иккала натижаларни солиштириб кўрилганда одамларнинг соғлиги яхши томонга ўзгаргани маълум бўлган.

Яратгандан сўраймиз: бизни ҳам тўғри йўлингга йўллагайсан!

ТАРКИ ОДАТ – АМРИ МАҲОЛ

Дадам Бухоро мадрасасида XX асрнинг бошларида таҳсил кўрган. Мадраса бошқа уйларга нисбатан баланд жойга қурилган. У икки қаватли бўлиб пастки ва устки қаватларда хужралар жойлашган. Мадраса ҳудудида қаттиқ гапириш мумкин эмас.

Мадраса ҳовлисига эгнига йўл-йўл чопон, бошига телпак, оёғига этик кийган, кўлида қамчи билан бобо кириб келди:

- Мулла Раж-а-аб! Ҳой мулла Раж-а-аб! – бобо овози борица чақирди... Ҳечким жавоб бермагач, бобо яна бақиради:

- Мулла Раж-а-аб!...

- Ота! Мен бу ердан! Ҳозир тушаман!...Мадрасада бақириниш мумкин эмас!... Илтимос, бақирманг?!- ўғли терлаб - пишиб чопиб отасини олдиға тушади. Ота ўз ўғлини бағрига босиб кўришади, ва ҳеч нарса бўлмагандек янада бақириб:

- Мулла Раж-а-аб! Болагинам-ей, шунча баландда яшайсанми- а?! – Барча муллаваччалар хужраларидан бош чиқариб қараб туришарди.

- Ота! Аста гапиринг! Илтимос?!...

Ота ҳамон бақириб гапирарди:

- Мулла Раж-а-аб!... Шу хужраларнинг ҳаммасида одам борми? ... Бари ўқийдими?

Отаси кетгандан кейин муллаваччалар Ражабни ҳам, бир-бирини ҳам “Мулла Раж-а-аб!” – деб чақиривадиган бўлишди.

Ражаб бўлса ичаги узилгидек кулиб, кўз ёшларни артиб дейди:

- Энди, отамиз... даштий одам! У тепанинг бу тепанинг устидан туриб бир-бирига бақириниш – чақириниш ўрганиб қолган!

Тарки одат - амри маҳол, дегани шу бўлса керак.

ҚЎРИҚХОНА

Одил деган дўстим бор. У шундай оддий, самимий, содда одам. Гапирганингизда ҳар-бир сўзингизга ишонади. Дикқат билан қулоқ солади ва саволларингизга эринмай жавоб беради.

У кишини эрмак қиладиганлар ҳам бор. Масалан, машинасининг копотида бўёқ озгина бошқача бўлиб қолган бўлса: -“Одил ака! Бу бошқача бўёқ?”, деб қолсангиз борми, Одил ака бундан ўн йил олдин ўша ерга кичкина тош теккани, бу тош олдинда кетаётган катта юк машина ғилдирагидан отилгани, ундан кейин нима воқеалар бўлгани, бу воқеани тушунтириб бўлгандан кейин, ҳазилкашлар, атайли “Одил ака?! Нега спидометрингиз ишламаяпти?!” – деб қолса борми, -“Нега ишламайди, ишлайди! Ишламаса юриб бўладими?”, “Рулингиз бироз семириб, йўғонлашиб қолган-ми?” -дейишса, рул – ўзгармагани, лекин унга яқинда қоплама олишини ва шу каби саволларга эринмай жавоб беради.

Савол берган одамга ишонади. Уни эрмак қилиш учун савол бераётганини билмайди, билишни хоҳламайди. Кўнглида кири йўқ йигит. Бошқаларни ҳам ўзидек деб биладиган самимий йигит.

Ўша кишига бир кун айтдим:

- Одил ака! Ажойиб жиҳатларингиз жуда кўп! Айниқса, одамларга бўлган ишончингизга балли! Бенихоя дилкаш, оддий, самимий, содда одамсиз!... Шу жиҳатларингизни келгуси авлодлар учун сақлаш керак. Агар иложи бўлсайди, барча яхши жиҳатларингизни қўриқхона қилиб, ўша ерда сақлаган бўлардим! - Юракдан чиққан, самимий гапларим у кишига ёқмади:

- Ўзингизни қўриқхонада сақлаш керак! – дея эшикни қаттиқ ёпиб хонадан чиқиб кетди.

ИРОДА

Педогогика академиясининг тавсиясига кўра талабалар ҳафта мобайнида 56 соат таълим олишлари, 56 соат ухлашлари, 56 соат йўл юришга, спорт билан шуғулланишга ва дам олишга, овқатланишга ажратилган. Ҳаммаси бўлиб 168 соат- бир ҳафта соатларининг сони. Кунлар бўйича: 5 кун 10 соатдан, олтинчи кун- 6 соат ўқитилади. Шанбанинг иккинчи ярми билан якшанба кун-и дам олиш.

Агар талаба юкорида кўрсатилган режа бўйича ишласа фақат аълога ўқийди. Масалан, 6 соат дарс бўлди дейлик, 4 соат уйда мустақил ишларни бажариши керак... Янги ўқув йили бошланиши билан мана шу режа бўйича ишлаши керак. Режани бажариш учун талаба соғ-саломат бўлиши, бунинг учун спорт билан шуғулланиши керак. Спорт билан шуғулланиш эрталаб ёки кечқурун бўлиши мумкин.

Иродасиз ёшлар бу режада кўрсатилган талабларни бажара олмайди, тез чарчаб қолади.

Иродани шакллантириш учун ҳар куни, кундалик ёзиш керак. Унда кун бўйи бажарилган энг фойдали ишларни, эсда қоладиган воқеаларни ёзиб қўйилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Ундан ташқари, ён дафтар тутиб унга эртага бажарилиши керак бўлган вазифаларни ёзиш керак. Кундалик ишларни сарҳисоб қилаётганда, кун давомида бажарилган ишларни, агар улар ҳақиқатда бажарилган бўлса, кеча тузилган рўйхатдан ўша ишнинг номини ўчиришнинг ўзига хос гашти бор! Одамга катта қувонч ва ишонч беради, ирода кучини шакллантиришдаги навбатдаги босқич бўлади.

ҚУМСАШ

Қаршида хизмат сафаридамиз. Ўйингоҳдамиз.

Олим дўстим шу орада ёшлиги ўтганини, сал нарида 30-40 йил олдин яшаган уйи борлигини айтди. Йўлга тушдик .Кўчада велосипед миниб юрган боладан уйда ким яшашини сўради. Бола, ҳозир уйда ҳечким йўқ, деб айтди.Дўстим Равил деган кишини сўради. Равилни институтда домла бўлиб ишлашини айтди. Дарвоза ёнида ўтириш учун қўйилган тошга чиқиб девор устидан уйга анча вақт қараб турди. Сўнг «кетамиз» деган ишорани қилди.

Ўйингоҳга етганида, 15-17 ёшларида шу ерда болалар билан ҳар куни футбол ўйнаганини айтди. Дўсти Равил деган йигит бўлганини, у билан ўсмирлик даврида спорт билан шуғуллангани, муваффақиятлар ва аянчли онларни бирга ўтказганлиги ҳақида сўзлаб берди.

Кейин ўйингоҳ йўлагидан кета бошлади. Бутун ҳаёли ёшлик йиллардаги эсдалик билан банд, унинг ўзи билан ўзи бўлишини тушундим.

Дўстим, ўша беғубор ёшлик йилларини, ота-онаси бағрида, ака-укалари билан бирга бўлган ширин онлар оғусида эди. Орадан шунча йил ўтди. Умр оқар дарё деганлари тўғри экан.

Четроккқа ўтиб ўтирдим. Дўстим ўйингоҳни бир айланиб келди. Кўзларида билинар –билинмас ёш. Дасрўмоли билан артди. Шу орадаги сув жўмрагидан юзларини ювди...

Эрталаб Равилни топдик. У физкултурадан дарс берар экан.Олим дўстим билан қилган оҳирги сафаримиз эканини қаёқдан билибман. У юрак хуружидан вафот этди. Жойи жаннатда бўлсин дўстимнинг! Ажойиб инсон эди.

КАМТАРИН БОШЛИҚ

Экспедиция шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ, иш ҳажми қаерда кўп бўлса, ўша ерга кўчиб юраберади. Ижарага уйми ёки ҳовли олинади.

Кўчиб келинганда ҳамма йиғма кроватларини кўтариб хоналаридан жой олишга ошиқишади. Улар хонада қулай жойларни талашишади. Бошлиқ эса бунга парво қилмайди. Унга энг муҳими, хизматчилар жойлашиб олса, ҳафа

бўлган одам бўлмаса бўлгани. Баъзида унга жой ҳам қолмайди ёки пойгада бир йиғма кроват сиғадиган жой қолади. У хафа бўлмайди, ёки хафа бўлса ҳам ҳечкимга билдирмайди..

Ҳар куни икки –уч марта овқат қилинади. Энг қийин ишларни бошлиқнинг ўзи бажаради. Масалан, хизматчилар ўзларини аяб, картошка, пиёз артиб, овқат қилишга ҳисса қўшдим, деб ўзини четга олса, бошлиқ қозон ювиш, ўтин тайёрлаш каби ишларни қилади. Овқатни ҳам кўпинча ўзи қилади. Лекин бир маротаба бўлса ҳам бу ишларини писанда қилганини, ёки гап ўртасида бўлса ҳам мақтанганини эсай олмайман.

БАЛИҚ ОВЛАШ

Балиқ гўштида фосфор моддаси бор. Кўп балиқ еганлар ақлли бўлишади, деган ақидани кўп эшитганмиз. Балиқ овлаш аслида чувалчанг ғамлашдан бошланади. Чувалчанг эса, унумдор зах тупроқларда кўп бўлади.

Йиғма кроватнинг иккала четидаги оёқларида катта юк машинасининг дам урилган баллонларини тикишади, сувда сузадиган сол барпо бўлади. Сол сувда шамол таъсирида сузиб кетмасин деб, унинг икки тарафидан чилвирга илинган лангар ташланади. Лангар вазифасини оғир гантел ёки оддий тош бажариши мумкин. Солнинг икки томонига иккита одам оёқларини пастга осилтириб ўтирадилар. Озгина кунжара олинган бўлса янада яхши. Кунжарани сувга ташлайдилар. Кунжара ҳидига балиқлар тўпланади. – Қармоқ ташладингми бўлди, бироздан кейин унинг пўккаги қалқийди.

Балиқ шўрва уч – тўрт хил балиқдан тайёрлади. Шўрвага озгина шивит ташланади. Бундай балиқ шўрва ичмабсиз- оламга келмабсиз!

ҲАЛОЛЛИК

Бир вақтнинг ўзида оиладаги уч фарзанд ҳам талаба бўлишди. Уччаласи ҳам яхши ўқишди. Стипендия олишади, лекин харидларга пули етмайди. Дам олиш кунлари талабалар уйга келишади. Кетишда улар дадасидан пул сўрашади. Дадаси болларга бир оғиз сўз айтмайди:

- Онаси, пул бериб юбор! – дейди. Она эса сандиқ кавлаётиб “вайсайди”!
- Бу уйда пул чиқарадиган завод борми? Қандай қилиб учалангга пул етказаман!... Ота деган, бундоқ болларга тушунтирмайдими? Нима қилишади, нимага пулни сарфлашади?!
- Менинг болларим, керак бўлганда сўрайди пулни! Оилада пул танқислигини билади хаммаси!... Агар пул бермасанг қаердандир олиши керак! Қарзга ботади! Алдашга ўрганади!...

Болалар олий маълумотли, пок, ҳалол инсонлар бўлиб етишди. Болларнинг болалари, яъни неваралари ҳам ўзларига ўхшаган ҳалол болалар бўлишди.

БОЛАЛАР

Олимларнинг аниқлашича, кўп қаватли уйларда истиқомат қилаётган болаларнинг биринчи қаватдаги яшаётганлари охириги қаватда истиқомат қиладиган болаларга нисбатан ақлий ривожланиш даражаси, оз бўлсада, юқори бўларкан.

Тадқиқот ишлари қуйидагича бажарилган. Биринчи қаватда, ўрта қаватда ва энг охириги қаватда истиқомат қилаётган уч ёшли болалардан ҳар бири йигирматадан иборат уч гуруҳ ташкил қилинган.

Уч гуруҳга ҳам бир хил вазифа: янги оёқ кийимини кийиш ва ипини боғлаш вазифаси берилган.

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, биринчи қаватда яшайдиган биринчи ўринда, ўрта қаватдагилар иккинчи ўринда, охириги қаватдаги болалар эса учинчи ўринни эгаллашди.

Тоғда кузатиладиган юқорига чиққан сари ҳаво сийраклашиши кўп қаватли уйларда истиқомат қиладиган болаларга ҳам таъсир қилади экан.

“АЙБДОР КИМ?”

Болаларининг ўқишидан хабардор бўлиш мақсадида ҳар жума куни, жума намозидан кейин, отамиз мактабимизга киради. Чунки мактаб шаҳарда жойлашган бўлиб, қишлоғимиздан тўрт – беш чақирим узоқроқда жойлашган.

Мактабга киргач, ота мактаб директорини сўрайди. Ундан болаларининг давомати, ўзлаштириши, олган баҳолари ҳақида тўлиқ маълумотлар олади. Агар бирорта боласи уч баҳо олган бўлса, унда директордан:

- Болани уч баҳо олишида ким айбдор?! – деб сўрайди.

Уйга келиб уч олган боласини чақиради:

- Нима учун уч баҳо олдинг? Нима етишмайди сенга? –деб сабабини сўрайди. Бундан кейин шу фандан тўрт ёки беш бўлсин – деб масала кескин қўйилади.

Натижада учта ўғилдан иккитаси ҳам фан номзоди бўлди. Каттаси эса олий маълумотли.

ДАЛА ШИЙПОНИДА

Каттақўрғон туманидаги бир қишлоқда бўлганимда дала шийпонида ҳалқ артисти Сора Эшонтўраева билан деҳқонлар ўртасида ижодий учрашув бўлди.

Сора опа “Алишер Навоий” драмасидаги Навоийнинг севгилиси Гули, Шекспирнинг “Отелло” пьесасидаги Дездемона монологини зўр маҳорат билан айтиб берди. Сўнгра бу образларни яратишдаги муваффақиятлари ва қийинчиликлар ҳақида гапирди. Шеърлар ўқиди. Сухбат давомида бир деҳқон:

- Сора опа! Бир қўшиқ айтиб беринг?! – деб қолди.

- Сора опа драматик артист! Қўшиқчи эмас, деди иккинчи деҳқон.

Сора опа бироз сукут сақлаб, кейин зўр иштиёқ билан Фуркат сўзи билан айтиладиган “Сайдинг кўябер, сайёд”, - деб бошланувчи кўшиқни бошлади:

- Сайдинг кўябер, сайёд, сайёра экан мандек.

Ол домини бўйнидин бечора экан мандек...

Ҳамма жим эшитди. Кейин яна бир кўшиқ айтди. Кўшиқлар ҳаммага хузр-ҳаловат бахшида этди.

Дехқонлар хурсанд бўлишди, олқишлар ва миннатдорчилик сўзлари янгради.

ГЎЗАЛ ФАРҒОНА

Олтиариқда бўлган эди бу воқиа. Боғда ҳалқ артисти Ҳалима Носирова концерти бўлди. Концерт нихоятда кўтаринки руҳда ўтди. Айниқса концерт давомида Ҳалима опанинг Фарғона ҳақидаги сўзлари эсда қолди:

- Дунёнинг кўп мамлакатларида бўлганман. Жумладан, Швецияда ҳам. Швейцарияни гўзал мамлакат дейишади. Швейцария ҳақиқатдан ҳам гўзал, - ҳавоси тоза, тиниқ, нам. Ҳаммаёқ кўм-кўк ... Фарғона ҳам Швейцариядан қолишмайди. Фарғонани бекорга “Ўзбекистон дурдонаси”, дейишмайди!... Фарғона келинчакдек гўзал! Мен бу сўзга ишондим, одамлари меҳнаткаш. Мен Фарғонани соғиниб келдим...

КЕЛИН ТАНЛАШ

Катта, бақувват ити бор ҳовлидан келин олинг! –деди кўшним. – Сабаби, ўзингиз ўйлаб кўринг, бундай оилада бола- чақа кўп бўлади, топарман-тутарман эру- хотин оилани тебратади... Катта итни боқишнинг ўзи бўладими?

Демак, оила ўзига тўқ. Итга қарайдиган болалар меҳнат қилишни севадиган, камтарин, раҳмдил бўлишади.

ФАРҒОНА БУЛБУЛИ

Ўтган асрнинг олтиминччи йиллари. Ёз кунларининг бирида, кечга яқин Учкўприк кўрғонининг боғдаги клубида Таваккал Қодировнинг концерти бўлди. Таваккал ака ўша пайт 30-35 ёшларда эди. Концерт қишки театр биносида бўлди.

Тумонат одам йиғилган. Ҳамма жой банд. Ундан ташқари барча йўлақларда кўшимча ўриндиқлар қўйган томошабинлар. Зални совутадиган, ҳеч бўлмаса шамоллатадиган ускуналар йўқ. Эшикларни очиб қўйишди.... Барибир иссиқ.

Таваккал ака сахнага чиқди.... Қарсақлар!... У йигирма иккита кўшиқ айтди.... Ҳар бир кўшиқ гулдирок қарсақлар билан кутиб олинди...

Ярим аср илгари бўлган бу концертдан миямда муҳрланиб қолган тассуротларимни айтайин: Таваккал аканинг нихоятда кўримли йигит эканини, ҳар бир кишини ўзига жалб қиладиган боқиши, ўзига ярашган кийими, муомала маданияти, ундан ташқари шунга кўшиқни зўр маҳорат билан айтгани ва яна

айтишга тайёр тургани, иссиқ залда терлаб, терлари оқиб, кўйлаги хўл бўлишига қарамай, гўё ҳеч нарса бўлмагандек ўзини тутиши, томошабинга хурмат, буларнинг ҳамма- хаммаси, авваламбор Оллох берган истеъдод, қолаверса узлуксиз меҳнат махсулидир...

Ўтганларни худо раҳмат қилсин.

ОТ

Дадамни отхонага чақиришди. Борса, от кўрсатишибди. Бобом минган отнинг боласи экан.

Оёқлари узун, қадди келишган, елкали, оёқлари қоп-қора ярқираб турибди. Думи узун, ўзига ярашган, қиллари йирик-йирик, ёллари тараб қўйилгандек чиройли, пешонасида оқ қашқаси бор ҳайбатли айғир, бошига юган жиловланган, ҳарзамон – ҳарзамонда сувлиғини ғижирлатиб кўяди. Оҳурга яқинда йўнғичка солинган. От уни емаган.

Олдинги ўнг оёғи тўпиғиди синган. Ерга тегар – тегмас осилиб турибди.

Отбоқарининг айтишича, от кўпқаридан шу ҳолатда қайтган. Нима ҳодиса бўлганини билмайди. Чавандоз шифохонага олиб кетилган.

От ҳечкимни ўзига яқинлашгани қўймайди: пишқириб, тебсиниб, тишлайман, деб пўписа қилади.

Дадам аста отни жиловидан ушлади... Қашқасини қаши. Сўнг бўйнини, ёлларини, боринки елкасини, сағринини қашиди...

Нима учундир от ҳеч қаршилиқ қилмади. Ёнида турган одам бутунлай бегона эмаслигини сезди шекилли ёки унда отасидан ўтган туғма сезгирлик, ҳис туйғу таъсир қилдими, ишқилиб дадамга ўз кўнглини олишга йўл қўйиб берди... Дадам от бошини кучоғига олиб эркалади... Ем берди, сув берди... Анча вақт отга қараб турди ва аста -секин ундан йироқлашди... Отнинг кўзида ёш кўргандай бўлди.

Уч –тўрт кун ўтгандан кейин отбоқар 5-6 килограмм от гўшти олиб келди. Дадамнинг кайфияти бузилди, уни олмади. Мухтож оилаларга беринглари, деб қайтариб юборди.

КЎЗИМ ПАХТАДА ОЧИЛГАН

Биринчи бор далага чиққанман. Ёшим нечада бўлган ўшанда, билмайман.

Қандай қилиб далага бордим, опам билан пиёда бордимми, ёки эшакда бордимми, эсимда йўқ. Даладан уйга қандай қилиб келганман, буни ҳам билмайман.

Пахта даласининг кун чиқар томонида бахайбат тут дарахти бор эди. У “катта тут” деб аталарди.

Опам ўша тут тагида устки кийимларини ечиб, пахта терадиган этак боғлаб, ишга тушди. Мен бўлсам, жажжи қўлларим билан катта – катта чаноқларда ўсган лўппи-лўппи пахталарни битта қўлим билан чаноқлардан

олиб, иккинчи кўлим билан эса уларни кўкрагимга босиб, кўп бўлгандан кейин, опам этагига солардим.

Эсимда, опам этаги тўлар-тўлмас уни ечди-да “Ана сенга пахта, устига ётиб ол!”, - деди. Мен, аввалига қорним билан ётдим, қандай яхши!

Ўшанда пахтани ҳидини биринчи бор сезганман... Кейин чалқанчасига ётдим. Пахтага кўмилиб кетдим. Қулоқларимга, юзимнинг икки томонига момик пахтанинг ичидаги чигитлари “қитиқлади”...

Мовий осмон. Қуёш ёқимли иситади... Илк бор менинг кўзим опам терган бир этак пахта бағрида очилди.

ҚАЛДИРҒОЧ

Обрўли идораларидан бирида ичкари йўлакда, шипда қалдирғоч уя курган.

Бино яқинда, замонавий ашъёлардан, оппоқ, деворлари силлиқ, эшик ва деразалари шинам ва чиройли қилиб қурилган.

Ота ва она қалдирғочлар полапонлорга овқат ташиш билан овора... Малум манзара. Лекин, қалдирғочларнинг бу харакати кишига қандайдир хузур-ҳаловат бахш этади.

Идоранинг эшиги берк бўлса, қалдирғочлар мажлислар хонадаги, атайлаб олиб қўйилган дераза дарчасидан, сўнгра шундай ойна кўзи олиб қўйилган ўртадаги ойнали эшикдан киради.

Уядан, у ёки бу нарса тушиб кетса, ердаги паркет устига салафан солиб қўйилган. У ҳар куни алмаштириб турилади.

Қушлар сони йилдан – йилга камайиб кетаётган бир пайтда идора ходимларининг бу савобли иши ҳарқандай таҳсинга лойиқ.

СЎФИТЎРҒАЙ

Осмон кўм-кўк. Паға-паға булутлар. Худди пахта сочиб ташлагандай....

Тут тагида ётиб сўфитўрғайнинг сайрашини томоша қилаяпман. У, осмонда бир жойда муаллақ туриб, “вижир-вижир” қилади.

Бир пайт сўфитўрғайнинг тинчи бузилди. У ерга отилиб тушда, ерга тегар – тегмас, бир жонзодга “ҳамла” қилабошлади.

Аста ўрнимдан турдим. Атрофимда у -бунни искаб тимирскиланиб юрган Олапар ҳам сергакланди. Ўша ёққа юрдим. Полизга сабзи экилган. Эгатнинг бир чеккасида сўфитўрғай уяси бор экан. У ерда тўртта- бешта, энди тухумдан чиққан гўштдай полапонлар “жиғир-жиғир” лашиб сап-сарик тумшуқларини катта- катта очишиб, онасидан овқат талаб қилишарди.

Улардан сал нарида бир қора илон эгат бўйлаб судралиб келарди. Шунча тўс- тўпалоннинг сабаби ўша илон экан.

Олапар мендан олдин вазиятни тушунди шекилли, илонни шартта тишлаб, бошини шиддат билан уёқ-буёққа силкитиб уни отиб юбордида, тушган жойига чопиб бориб, олдинги оёқларини ерга тираб, орқа оёқларини уёқ-буёққа ўйнатиб илонни яна тишлаб, калласини силкитиб яна уни отиб юборди...

Полапонлар учун ажал, олапарга “ўйинчоқ” бўлди бу илон.

ПОШШОНИ КЎРИШ – САВОБ ИШ!

Дала шийпонида деҳқон бобо ҳикоя қилди...

- Ўтган асрнинг эллигинчи йилларининг охири эди. Янги ер очиш бўйича меҳнат fronti авжида. Бепаён далаларни бульдозер ва скрейперларнинг шовқини тутиб кетган...

“Виллис” машина келиб тўхтади. Ундан, бошига сомон шляпа, эгнида одми кўйлак, оёғига беризент этик кийган Шароф Рашидов тушди. У ишлаётган техника томон кетди.

Текисланаётган чўлнинг у ер –буерида ини бузилган илонлар, каламушлар ва бошқа даррандалар ўзларига бекинадиган жой излаб юришибди....

Шароф ака иш бошқарувчилар билан кўп гаплашди. Зарурий кўрсатмалар берди. Қайтиб “Виллис” га ўтирди. Шу пайт узоқдан кўлида асов билан талпиниб, тез-тез юриб келаётган бир бобо кўринди.

Ҳо-й?! Ҳо-й?! Тўхтанглар?!... Бироз сабр қилинглари?!

Шароф ака, машинадан тушди. Бобога қараб юрди.

Бобони кучоқлаб кўришди. Ҳол-аҳвол сўради.

- Хўш?! ...

- Подшони кўриш савоб иш!... Кўрдим!... Қўлларим қўлларингизга тегди!... Энди бораверинг, ишингиз кўп!... Раҳмат! – деди бобо қувонч билан кўз ёшларини белбоғи четига артаркан.

“ПАРДА”

Ўқувчилар дарс пайти синф эшигини очиб бир қараб кетишни одат қилиб олишган. Адабиёт ўқитувчимиз эшик бир очилса “Биринчи кўриниш!”, иккинчисида “иккинчи кўриниш!” деб айтардилар. Бу ҳазил тариқасида айтиларди. Кулишардик. Чиқиш учун кўнғироқ чалинса ўқитувчимиз: “Парда!”, деб синфдан чиқиб кетарди.

Институтда талабаларга кўриш трубаси нурларнинг ҳаракати ҳақида дарс ўтаяпман. Бироз вақт ўтгандан кейин, талабаларга юқоридаги вазиятни айтиб бердим. Шу пайт эшик очилди. Талаба бир қараб, эшикни ёпиб кетди. “Биринчи кўриниш” дедим. Бироз муддат ўтгандан кейин, эшик яна очилди – “Иккинчи кўриниш” – дедим.

Кейин, талабалар ўтиллаётган дарс материалларини ёзиб улгураяпдиларми, йўқми, деб уларни конспектларини қарасам, улар, конспект давомида “Биринчи кўриниш!”, “Иккинчи кўриниш!” - деган сўзлардан бошқа нарсаязмаганлар.

Кўнғироқ чалинди. Мен ҳам “Парда!”, деб аудиториядан чиқиб кетдим.

ОПТИМИСТ

Йўловчилардек гурингталаб одамлар кам бўлади.

Автобусда ёнма-ён ўтирган ҳамсоям билан кўп нарсаларни гаплашдик. Очик чехраси, сўзамол, одамшинаванда, элликларга кирган, бошидаги

дўпписини ҳар замон-ҳарзамонда қўлига олиб, бошқа қўлига уриб, қоқиб, яна бошига кийиб қўядиган бу одам, ўзини эркин тутар, гаплашган сари, гаплашгингиз келаберадиган, жуссаси келишган, самимий содда, ёқимтой одам эди.

- Шу дейман, одамларга хайронман! Шаҳарда яшаймиз, деб катакдек-катакдек уйларда яшашади, яна остин-устун хоналарда... Худонинг нимаси кўп-ери кўп... У ерда иш йўқ! - дейишади. Иш, келсанг бўлади-да?! Худога шукур... Мана мен, ўн бир фарзандим бор. Яшайдиган жойим торлик қилиб қолди. Катта билан гаплашдим, шу орада иккита ташландиқ уй бор, сизбоп, деди... Худога шукур! Ўша уйларни кўргани бораётирман. Эшик, деразаси, поли йўқ эмиш, атрофини бурган босган эмиш. Ташландиқ, деганича бор эмиш. Лекин, қишлоққа яқин эмиш. Мана шу йўлга бир километр ичкарида эмиш... Худога шукур!

Ҳозир баҳор. Ёзи билан ишлаймиз! Иккита ўғлим тракторчи, менга ҳам иш бор, деди катта – дала қоровули бўлиб ишлайман.

Худо хохласа, уйлар атрофида боғ яратамиз. Ўрик, олма, узум дегандек... Улар катта бўлгунга қадар ҳар-хил ўтлар экамиз: укроп, кашнич, райхон, ялпиз ва бошқа гуллар, кўкатлар... Бир сигиримиз бор... яна мол қиламиз: қўй, эчки...

Қарабсизки, бугун ташландиқ жой- эртага жаннатмакон жой бўлади...

- Ҳой, ҳайдовчи укам?! Бекатда тўхтатиб юбор?!...

– Менга ўғирилди: Яхши боринг?!... Худога шукур!...

“ОТАНГА РАҲМАТ” ДЕСИН

Палон пул сарфлаб тўғон қуришди.

Гап йўқ – яхши қуришди! Салобатли, маҳобатли, худди лойихадагидек!

Тўғон қурилишига тупроқни шу атрофдан олишди.

Экскаватор, бульдозер ва катта-катта ағдарма машиналар кечани-кеча, кундузни –кундуз демай ишлашди.

Тупроқ олинган жой катта, чуқур, бесўнақай шаклдаги жар – юздаги чандиққа ўхшаб қолди... Тўғон қурилиши тугади. Тупроқ олинган жой унитилди.

Ҳар бир ишни охиригача яхшилаб етказиш керак... Кўрган одам “Отанга раҳмат десин”.

ЎҒРИЛАР

Бўлажак йўл йўналиши бўйича план олаяпмиз. Асбоб –ускуналарни керагини олиб, қолганини иш бошлаган еримизда қолдириб, бир чақиримча узоқлашиб кетдик. Бу ерларда одам кам бўлади. Одатда нарсаларимизга ҳечким тегмасди...

Бир пайт, қарасак, қолган нарсаларимизга бегона юк машинаси яқинлашиб, иккита йигит асбоб- ускуналарни машинага ортиб, зудлик билан машинага чиқди-да, тез кетди.

Бизлар теодолитнинг кўриш трубасини уларга тўғирлаб, машина рақамини кўриб олдик. Ахир, теодолитнинг кўриш трубаси масофаларни қирқ марта яқинлаштириб кўрсатади-да!...

Туман ички ишлари ходимлари ўғриларни бир соатга қолмасдан топиб келишди.

ҚАБУЛ МУДДАТИ – ИККИ ДАҚИҚА!

Иш билан катта корхона директорининг қабулига кирдик. У биз билан ўрнидан туриб, қўл бериб сўрашди.

- Бизларда одат, икки дақиқада ҳар қандай масалани ҳал қиламиз! Шунинг учун, нима масалада келганингизни қисқа ва лўнда қилиб айтинг?!- ҳақиқатдан ҳам қабулхонада навбат кутаётганлар кўп эди.

- Ҳўжалик шартномаси тузгани келдик. Бош инженерингиз билан келишганмиз. Визаси бор!

- Хабарим бор! Шартномани беринглар?!...

Иш битди. Икки дақиқада!

ТАҲЛИД

Бир кинода катта комбинат директори меҳнат таътилига кетаётиб, ўз ўрнига бош инженерни “директор вазифасини вақтинча бажарадиган” қилиб тайинлаб кетади.

Бош инженер анчадан бери ҳал бўлмаётган муаммоларни ҳал қилади. Комбинатда иш унуми ўсади, янги замонавий механика сотиб олинади.

Кинони кўрган ҳар-бир йигит ўша бош инженерга ўхшашга ҳаракат қилади. Менда ҳам шундай орзу бўлган. Мудир ўрнида қолдим. У борида руҳсат бермаган баъзи ишларни қилдим: янги хоналар қурдик, эскиларини эса, замонавий ашёлар билан таъмирладик янги лаборатория хонаси қурилди, талабалар тажриба ўтадиган полигон ташкил қилинди: Бу ишга ҳамма ўқитувчилар, талабалар фаол қатнашди.

Мудир келганда эса, танбеҳ берди. “Ўзингизни кўрсатмоқчи бўлдингизми?!” – деб уришди. “Мен келдим, деб ариза ёздим! Мудир менман”!

Орадан ярим йил ўтдим-йўқми кўкрак нишони билан тақдирландим.

Ҳақиқат эгилади, лекин синмайди! –деганлари шу бўлса керак.

СИНОВ

Шифохонага бир келинни олиб келишди. Бўйи- баста келишган, чиройли.

Бошқа ёш келинлардан фарқи - бўлиқроқ. Мовий рангли кўзлари мисоли юлдуз чакнайди. Сочлари бир кучоқ чиройли қилиб турмакланган.

Куёв – ҳам зўр йигит. Бўйи икки метрча, барвасти. Ўшанга яраша қадди-қомати бор. Спорт билан шуғулланса керак.

Куёв-келинни ташвишга солган нарса – келиннинг қанд касали билан касалланганида...

Бу оллоҳ юборган синов! Синовдан яхши ўтиш учун бир-бирига ишонч, сабр-тоқат ва мухаббат керак. Бу жиҳатлар келинда ҳам, куёвда ҳам бор!

ЯХШИ НИЯТ – ЯРИМ МОЛ

Профессор Соатов Ёлқин Учқунович бир ўтиришда завқ билан “Сенга беш бебаҳо ҳайкал қурурман!”, – деб Навоий монологини айтган эди.

Орадан бир неча йил ўтиб домланинг беш жилддан иборат “Олий математика” дан асари чоп этилди.

Китоблар вазирлик томонидан йилнинг энг яхши дарслиги деган унвонга сазовар бўлди. Яхши ният – ярим мол.

БОЛАЖОН ҲАЛҚИМ БОР

Эрта сахарда сувчи сув таратаётиб эгат бошида чақалоқнинг йиғисини эшитди. Борса, йўргакка ўралган чақалоқ.

Дарров бағрига олиб, уйига олиб борди. Хотинига бўлган воқеани айтди. Ўзларининг олти фарзанди бор бўлиб, кўпчилиги қизлар, чақалоқ эса ўғил бола экан. Хотини ҳурсандчилигиданми, ачинганиданми йиғлаб, болани олибди: “Олтита болам еттита бўлди!” деб болани ювиб- тараб, бешикка солибди...

Мен бу воқеани ишхонада айтиб бердим. “Аёллардан бир нечаси”. Бизга телефон қилмайсизми?! Зудлик билан борардик!... Тайёр болани-я дейишди.

Уйда хотинимга воқеани айтдим, у қўшни аёлларга айтди:

- Эсиз, мен олардим!... Мен олардим! Дейишди улар...

Қандай болажон аёлларимиз бор-а!

Қандай болажон ҳалқимиз бор!

ЭНГ ГЎЗАЛ МАНЗАРА

Энг гўзал манзара – менимча, аёлнинг бола эмизаётган пайти.

Бола она кўкрагини излайди, йиғлайди.

Онаси ошхонада банд. Шунга қарамасдан:

- Ҳо-з-ир!, Ҳо-з-ир!, - деб қўяди.

Ниҳоят, онаси бўшади. Қўлини ювиб, артиб боласи томон талпинади:

- Қоринчаси очибди-да, бу болани!... Маммасини соғинибди-да, бу бола!... Аяси ёмонда, бу болани!... Аясини урушиш керак-да, бу болани... Йиғласиям келмайди-да!... – Бешик чойшабини суриб, қўлбоғлар, човрапўшларини бўшатиб боласини қўлтиғидан икки қўллаб олади. Бағрига босади, кўкрагини беради.

Бола шошганидан маммасини бирданига топаолмайди, бошини мамманинг уёқ- буёғига сийпаб, охири аясининг ёрдами билан уни топади.

Тўмпоққина, оппоққина аяси бутун меҳрини, вужудини боласига бериб, унинг пешонасини, жажжи қўлларини, юзларини силайди, пайдо бўлган терларни артади.

Бола иссиқ она сутидан, онанинг иссиқ бағридан, ўзининг сўришидан терлайди. Ҳарзамон- харзамонда маммасини қўйиб юбориб “чалп-чалп” этиб уни тезлик билан топади-да, яна “хўр-р –хўр-р” эмади.

Кейин аяси бешик олдида сурилиб ўтирди-да, бир қўли билан болани, бир қўли билан бешикни ўз томонига суриб, тувак атрофини тузатди, кейин тўшакча, таглик кўрпасини, ёстиқчаларни жой-жойига қўйиб болани ётқизди-да, қўлбоғларни енгилгина тортиб боғлади.

Бешикни бир маромда тебратиб, унга ҳамоханг тарзда алла айтади...

АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ – ДУНЁВИЙ ГЕОДЕЗИЯ АСОСЧИСИ

1973- йил Юнеско қарорига мувофиқ Абу Райхон Берунийнинг 1000 йиллиги бутун дунёда нишонланди. Шу муносабат билан аспирантура ўқиб юрган вақтимда Киевда илмий конференция бўлиб ўтди. Мен ўша конференцияда “Беруний – дунёвий геодезия фанининг асосчиси” – деган мавзусида маъруза қилдим.

Беруний ҳаммаси бўлиб геодезияга доир 41 асар ёзган. Уни 5 йўналишга бўлиш мумкин. Улар Ер куррасининг ўлчамларини аниқлаш, глобус ясаш унинг назарий ва амалий масалаларини ҳал қилиш, инженерлик геодезия, астрономик геодезияга оид масалалар ва картографик проекцияларни ишлаб чиққан. Маъруза давомида Берунийнинг “Геодезия” китоби ва бошқа чизмалар намоиш қилинди. Савол-жавоблардан кейин таниқли профессор деди:

- Мен, геодезиядан фан докториман, профессориман. Лекин, Беруний ҳақида биринчи марта эштишим... Беруний ишларини кўп тилларда кўпроқ эълон қилиш керак...

Ўша вақтда Беруний ҳақида уч мингдан ортиқ илмий ва бадиий китоблар, мақолалар ва кинофилмлар яратилган бўлиб, улар асосан ўзбек, рус, араб, ингилиз, француз ва бошқа тилларда эълон қилинган. Русча чиқариладиган геодезияга оид илмий –техникавий журналларда маълумот берилмаган эди. Юқорида келтирилган воқеадан кейин бир неча илмий китоблар ва мақолалар русча, немисча чиқадиган журналларда пайдо бўлди.

УЧ АВЛОД ГЕОДЕЗИЯЧИЛАР

Устоз Абу Райхон Беруний ижодига бағишлаб бир неча илмий мақола эълон қилганман. Ўзимнинг илмий йўналишим архитектура обидаларини таъмирлашга оид геодезик ишларнинг аниқлигини асослашга бағишланган. Мавзу бўйича 100 дан ортиқ, илмий мақолалар, ўқув қўлланмалар, луғатлар бор. Ўзбек миллий энциклопедиясида геодезия ҳақида, геодезик ишлар ҳақида мақолалар ҳам бор. Хурматимиз баланд.

Уч авлод геодезиячиларимиз. Мен, умр йўлдошим; иккита ўғлим, қизим; неварам.

“САЛОМ ҲАЛҚИМ!”

Автобусга чиқсам шоир Нормурод ака Назруллаевни кўриб қолдим. Салом бердим.

- Салом ҳалқим! –Ҳазил – мутуйиба билан кўришди шоир.
- Самарқандда ишлаган вақтларини эслатдим. Етмишинчи йилларда Тошкентга келган шоир.
- Яхши кунларда ишлатинг! –деб визит карточкасини берди.

Шоирнинг самимийлиги, ўзини эркин тутиши буюк ўзбек ҳалқининг ҳақиқий фарзанди эканлигини намоён қилди.

Худо раҳматига олган бўлсин Нормурот акани! Жойи жаннатда бўлсин!

ТҲЙХОНА ҚУРДИК

Маҳаллада ҳашар йўли билан тўйхона қурдик.

Ишнинг яхши томони шу бўлдики, кўп қаватли уйларда яшайдиган бир неча мингдан иборат ҳар-хил миллатга мансуб оилаларни бир-бирига яқинлаштириб, бошига-бошини қўшиб, болаларини –болалар билан таништириб, худди қишлоқ маҳаллаларидек, одамларни ҳамжихат қилди.

Яхши ва ёмон кунларда, бир-бирига ёрдам берадиган, кунига ярайдиган жамоа бўлди.

САЛОМ ҲАМКАСБЛАР!

Учунчи босқичдан бошлаб талабаларга дарс ўтсам “Салом ҳамкасблар!”, деб саломлашаман.

Бу сўзим билан, “Мана сизлар ҳам катта йигит, қизлар бўлиб етишдинглар! Энди мустақил яшашга, мустақил ишлашга тайёр бўлинглар! Ўзларингни ишхонадагидек ҳис қилинглар! Ҳамма ишларни катта маъсулият билан бажаринглар!” – деган бўламан.

Натижаси ёмон эмас, барча талабаларга бу гап ёқади. Давомат ва ўзлаштириш анча яхшиланди, фанга бўлган муносабат ҳам яхши томонга ўзгарди.

ИТ, МУШУК ОРЗУСИ

Ит: мен хизмат қилаётган оиланинг болалари кўп бўлсин! Ҳар бирининг қўлида ейдиган, чайнайдиган нарсалар бўлсин! Улар мен билан ўйнаганда болалар ўша нарсаларидан берсин!...

Мушук: хонадон бекасиман! Оилада ҳарпайт чол ва кампирлар бўлсин! Улар овқат ейишганда менга ҳам беришади. Ҳарпайт тўқ бўлиб уларнинг бағрида мазза қилиб ухласам! Барча касалликларини тортиб олсам!...

МУЧАЛ

Собир аканинг мучали қўй. Мен у кишига айтдим: “Қўй мучалида туғулганлар табиат кучоғида кўп бўлишни истайдилар... Уларни дала ҳовлингизга таклиф қилманглар!... Кетишни ҳоҳламай қолишади... Собир ака, “тўғри, тўғри”, деб қўйди-да, аёлининг мучали сичқон эканлигини айтиб, уни ҳам таърифлаб беришимни илтимос қилди.

Мен дедим:

- Сичқон йилида туғулганлар тежамкор бўлади оила маблағини кўпайтириш ҳақида ғамхўрлик қилиб, бировга қарз беришни ҳечам истамайдилар!...

Шунда Собир ака нима дейди денг!

- Биров- бошқа одамку, бегонаку, у менга, яъни ўз эрига ҳам қарз бермайди.

МЕВАЛИ ДАРАХТ ЭКИНГ!

Кўп йиллик ўқитувчилик фаолиятимда шунга амин бўлдимки, талабаларнинг фанни ўзлаштириш қобилияти уни болалиги ўтган ҳовлидаги мева дарахтлари кўплиги ёки озлигига, уларнинг таркибига, сув билан таъминланганлигига ва сув ҳавзаларининг бор йўқлигига, боланинг кўп мава еганлигига боғлиқ бўларкан...

Қобилияти жуда яхши талабаларнинг томорқаларда ўрик, олма, анжир, анор, ёнғоқ, узум ва бошқа дарахтларнинг бир неча тури бор эканлигига ишонч ҳосил қилдим.

Қобилияти нисбатан паст талабалар, асосан чўл зонасидан келган, уларда витамин етишмаслиги кузатилади.

ЁТОҒОН ЭШАК

Ўспиринлик давримда ўт сотиш одат эди.

Эрта саҳарда, дадам, кечқурун кичкина-кичкина қилиб боғлаб, тика-тика қилиб деворга тираб қўйилган ўн-ўнбеш боғ ўтни иккига бўлиб, боғлаб эшакка ортиб берарди. Мен эсам эшакка сакраб чиқиб, ўтириб олардим. Уни “хих-хих”лаб шаҳар томон кетардим. Шаҳар уч- тўрт чақирим узоқда.

Қишлоқдан чиқиб, бироз юрилгандан кейин бир ариқ йўлни кесиб ўтарди, кўприк эса йўқ, сув ёйилиб оқар, таги майда-майда тош.

Эшак, ўша ергача яхши борарди, лекин сув яқинлашгач, гўё “айниб” қоларди. Сув ичиб туриб, унга ётиб оларди. Эшакни юки билан турғизиш учун

анчагина меҳнат ва асаб керак бўлади. Гаврон билан уриб, тортиб, зўрға турғузилар эди.

Дадамдан бунинг сабабини сўрасам у киши айтди: эшак, уни бошқараётган одам ёш бола эканлигини яхши билади. Эшак айёр, хийлакор хайвон.

“Эшакнинг юки енгил бўлса, ётоғон бўлади.” деган мақолга қўшимча қилиб, устида ёш бола бўлсаям, эшак ётоғон бўлади, дегим келади” – деди.

АРИЛАР ТАЛАДИ

Болалигимда, опам “чамандагул” дўппи олиб берди. Уни кийиб кўчага чикдим. Бир бола ерга уя курган ариларни узоқдан томоша қилаётган эди. Мен ҳам унга яқинлашдим. Дўппимни олиб ари уясига отди. Дўппини олиш учун арининг уясига энкайганимни биламан, арилар ёпирилиб бошимни, қулоғларимни, юзимни бўйнимни чақиб ташлади. Йиғлаганча уйга келдим. Онам юпатиш ўрнига уришиб берди: - “Ари уяси олдида нима бор?!” – деб койиди.

Дарров кичик ва катта тоғора тайёрлади. Зудлик билан кичкина тоғорага илиқ номокоп қилиб, каттасини ерга қўйиб, унга бошимни энкайтириб кичкина тоғорадан номокоп қуйди. Кейин катта тоғорага тўпланган номокопни яна кичик тоғорага олиб бошимга қуйди. Бу иш анча давом этди. Охири илиқ, тоза сув билан бошимни ювди, сочиққа артди...

Уйқим келди. Жойга ётдим ухлаб қолибман. Турсам бошим оғришдан тўхтабди.

МАСКАНИМ МАНИМ!

Камбағал бўлсанг кўчиб кўр?!

Катта юк машинаси юришга тайёр. Унга кўч ортилган. Оила аъзоларимиз енгил машинада кетамиз.

Туғилиб, ҳаётим ўтган масканим билан хайрлашгани кирдим.

- Эй, кўз очиб кўрган масканим! Тиз чўкаман, сенинг олдингда! Ота онам билан бағрингда ўсдим, улғайдим! Шу ерда одам бўлдим! Учта фарзандим туғилди, вояга етди! Рўшнолик кўрдим! Қувончли кунларни, аянчли кунларни бағрингда ўтказдим! Хайр энди!...

Бундан кейин бу ховлида яшайдиганларга ҳам ҳамди санолар бўлсин! Улар бахтли бўлишсин! -

Хоналарнинг хаммасини айланиб чикдим.

Кўзларимга ёш келди.

Ўзимни босиб олиб қуърон ўқиб, юзимга фотиha тортдим.

Хайр масканим менинг!

ҚАФАСДАГИ «КУЧУК»

Кўп қор ёғиб эрий бошлаган маҳалда «шалоб-шалоб» қилиб кетаётибман. Аксига олиб, буралаб-буралаб яна куюқ қор ёғаяпти. Биринчи қаватдаги, ҳаммаёғи панжара билан ўралган айвондан қўшним бақиради:

-Бундай ҳавода яхши одам кучугини ҳам ташқарига чиқармайди... Қаёққа кетаяпсиз ўзи?

- Ўшанинг учун қафасда ўтирибман денг, дедиму, йўлимдан қолмадим.

ПУЛ БЎЛСА...

Қайнонам бозорга тушиб, харажат қилиб келинг, деб бир талай нарсага рўйхат туздирди.

-Харидга пул ҳам берасизми?-сўрадим улардан.

-Пулга, ҳар қандай одам ҳам харид қила олади!-деди қайнонам, эшикни қаттиқ ёпиб уйга кириб кетаркан.

ШОШГАНДА «ЛАББАЙ» ТОПИЛДИ

Кўчанинг нариги томонидан ўтаётиб иккита троллейбус орасидан ўтдим. Орқадаги троллейбусдан тушаётган йўловчиларнинг чипталари бор-йўғини уч назоратчи текшираётган экан. Улар мени ҳам тўхтатишди:

-Чиптангизни кўрсатинг?

-Мен троллейбусдан тушмадим-дедим,- кўчанинг нарёғидан ўтдим.

-Бошимни оғритманг-деди улардан бири. -Чиптангизни кўрсатинг?

-Мен, сизга ўз тилингизда тушунтираяпман -дедим, аччиғим чиқиб,

-Троллейбусда келмадим!

-Гапни йиғиштиринг, жарима тўланг!? -деди назоратчилардан бири.

Шу пайт, бирданига калламга бир фикр келиб қолди.

Менда ахир ойлик чипта бор-ку, троллейбусда келдимми, ёки кўчанинг у томонидан ўтдимми, бари бир эмасми?

Бирданига мен кучайиб кетдим.

-Хой, миршаблар!-дедим уларга ғоз туриб.

-Мана, ойлик чиптам бор. Энди нима дейсиз?!-дедим бақириб.

Улар ҳам бўш келишмади. Гуё ҳеч нарса бўлмагандек:

-Ойлик чиптангиз бор экан-ку! Нега бизни ахмоқ қилдингиз?... Уят эмасми!... Йўлингиздан қолманг!

ОЙЛИК ЧИПТАМ БОР

Нарзилла ака бекатда автобус кутаётган экан, такси ҳайдайдиган кўшниси Шариф таксисини тўхтатиб, у кишини машинага таклиф қилибди.

Икки бекат йўл юргандан кейин Нарзилла ака таксини тўхтатиб:

-Раҳмат, мен етиб келдим. Йўл ҳақи тўламайман, чунки ойлик чиптам бор, -деб ҳазил қилибди.

Таксида ўтирган икки киши «Ойлик чипта таксига ҳам ўтадимми?» -деб сўрабдилар. —Бизда ҳам ойлик чипта бор.

Шариф бўлса у деб,-бу деб, тушинтирибди.

Лекин йўловчилар ҳархаша қилаверарибди.

Кейин Шарифнинг ҳам энсаси қотиб:

-Йўл ҳақини – ҳоҳласанглар-тўланглар, ҳоҳламасаларинг тўламанглар! – деган экан. Йўловчилар бироз юмшашиб, ҳақ берибдилар.

Ўша воқеадан кейин Нарзилла аканинг «ойлик чиптам бор», деган ибораси маҳалла аҳли томонидан кўп эсланадиган бўлиб қолди. Масалан, халфана қилишиб, ош еб бўлгандан кейин, харажат пули йиғилаётганда навбат Нарзилла акага келганда:

-Нарзилла акадан пул олманглар, чунки у кишининг «ойлик чиптаси бор», дейишадиган бўлибди.

ТОПҚИР ТАЛАБА

Фамилиям Нишонбоев. Кафедра мудириман. Кафедрага бир талаба кирди-да:

-Домла, Нишонбоев қайси хонада ўтирадилар?,- деди.

-Домла Нишонбоевда нима ишингиз бор?-дедим.

-Имтиҳон топширмакчи эдим,-деди талаба.

-У кишининг дарсларига борганмисиз ўзи?

-Барча дарсларига борганман, -деди талаба.

Барча дарсларга келган одам, нега мени –ўз домласини танимаяпти?, –деб ўйладим-да, бироз жаҳлим чикди. Лекин бу ҳолатни талабага билдирмай мен ҳам алдайбошладим:

-Домла Нишонбоев охирги хонада ўтирадилар, -деб лабарантлар хонасига юбордим. Ёзаётган нарсамни ёзиб ўтирабердим. Бироз муддат ўтгандан кейин ҳалиги талаба қайтиб келди. Чамаси, лабарантлар, мени-домла Нишонбоев эканлигимни унга тушунтиришган, у эшик олдида ғоз туриб, деди.

-Домла, сизнинг Нишонбоев эканлигини билар эдим. Лекин мен, иккита Нишонбоев бор экан-да, деб ўйлабман!

ҚОҒОЗ “ЕЯПМАН”

Маҳалла котиби куни билан давлат идораларидан бирида ҳисобий ишлар билан шуғулланади. Ҳамма каби ишдан келиб, бирозгина дам олиб, қоринни тўқлаб маҳалла идорасига чиқади. У ердан, одатда, ярим кеча бўлганда қайтади...

Кунларнинг бирида, ишдан кейин, тўғридан-тўғри мажлисга бориб, чарчаб, уйига киришни ҳам канда қилиб маҳалла идорасига келди. Одатдагидай, у кишини кўп хотин-халаж, болалари билан у-бу иш билан келишиб, кутиб туришарди. Котиб хонасига кирдию ишга шўнғиб кетди. Бир аёл олиб келган ҳужжатларнинг камчилигиданми, ёки нотўғри тўлдирилганиданми, куни билан тинмай ишлаганиданми, мажлиснинг таъсириданми, котибнинг асаби анчагина бузилган эди.

Шу пайт уйдан хотини қўнғироқ қилиб қолди.

-Овқат тайёр, еб кетсангиз бўларди. Ёки қорнингиз тўқми? Бирор нарса едингизми ўзи?

-Қағоз еяпман! Менинг ҳамма ёғим қоғоз!... Қоғоз еяпман, деяпманку! Мени тинч қўйинглар! –деб, телефон гўшагини жаҳл билан «тақ» этиб қўйиб қўйди.

ҲАЗИЛКАШ ДЕҲҚОН

Бозорда картошканинг баҳосини сўраяпман

-Картошкангиз неча пулдан?

-200 сўм.

-Сизникичи?

-...

-Сизникиям 200 сўм бўлса керак?! –сўрайман учинчи сотувчидан.

-Ҳа, 200 сўм.

Арзон бозор қилмоқчи бўлсанг, бозорни ҳеч бўлмаса бир марта айлан, дедим ўзимга. Картошка бозорни айланишни давом эттирдим.

-Хўш, сизнинг картошкангиз неча пулдан? –Ҳамманикидай тоза ювилган, катта-катта картошкага ишора қиламан.

-Килоси 100 сўм,-дейди деҳқонча кийинган, оддийгина киши.

Мен, картошкани бир-бир ушлаб кўраман. Яхшигина картошка. Бошқаларникидан кам жойи йўқ. Хайрон бўламан. Қурт-пурт еганми, чириганми, деб яна қарай бошладим.

-Кўрдингизми, ўзингиз ҳам таажжубга тушдингиз! -дейди эгаси. -Картошка ҳам ҳамманикидай. Баҳоси ҳам 200 сўм, –дейди ҳазилкаш сотувчи.

ПУЛНИ ЧЎЗСАНГ КЎПАЯДИ!

-Резинка неча пул? -Бир ўрам резинкани қўлимга оламан. Уёғ-буёғини кўрган бўламан.

-Икки юз эллик сўм. –дейди сотувчи.

Узунлиги неча метр?

-Олти метр.

-Чўзгандами? –ҳазил қиламан.

-Йўқ, чўзса саккиз метр бўлади.

Юз эллик сўмни плкага ташлаб, резинкани чўнтагимга соламан. Сотувчи ҳайрон.

-Амаки, бунингиз кам-ку! –дейди у.

-Чўзсангиз 250 сўм бўлади! –дейман.

ЭРКА БОЛА БОШГА ЧИҚАР!

Беш-олтига кирган неварани оёғларини осилтириб елкасига ўтиргизиб қўшним Жаббор рўпарамдан чиқиб қолди.

- Ҳа, на мунча юқорилаб кетибди невара? -дейман.
- Болани эркаласанг бошингга чиқади!—дегани шу бўлса керак,-деди у.

КУТАЁТГАНЛАРИ ТУРП ЭКАН

Ошни дамлашганига анча бўлди. Чамаси, у ланж бўлаяпти. Лекин ҳамма кимнидир кутаяпти. У келабермади. Яна анча вақт ўтди. Жуда обрўли, катта лавозимда ишлайдиган кишини кутаётган бўлсалар керак, деб ўйладик. Ишонасизми, ўтган ярим соат устига яна ярим соат ўтди. Ошнинг ҳам бўлари бўлди...

Бир пайт ўн тўрт-ўн бешларга кирган йигитча велосипедда 3-4 туруп олиб келиб, ошпазга берди.

Ҳамманинг чехраси очилди. Кутаётганлари одам эмас-туруп экан! Юнусобод бозорида топилмагач Олтиариқ турупи деб Чорсу бозорига велосипедда борган экан йигитча.

БИРГА – БИР ЧИҚАСАНМИ?

Бўйи икки метрча келадиган барзанги киши ўзидан анча ёш чойхоначи билан ади-бади айтишиб ҳамманинг диққатини тортди.

Бир чеккада чой ичиб ўтирган жикккаккина чол «лип» этиб ўрнидан туриб, барзанги олдига келди-да:

-Зўрайиб кетдингми? Юр, бирга-бир чиқамиз? -деб кўча томонни кўрсатди. Ҳамма кулиб юборди.

БАҒРИ КЕНГЛИК

Таниқли академик 80 ёшга кирганлиги муносабати билан кеча ташкил қилинди. Кечада олимга ўнлаб чопон кийғазилди.

Чопонларни тўртта енгил машинага тикишиб олимнинг уйига олиб кетишди.

Эрталаб ошда академик чопонларни барча шогирдларига, бирга ишлайдиган хизматчи-ходимларга кийгизиб юборди. Бу ишидан олимнинг ўзи жуда мамнун эканлиги кўриниб турар эди. Бағри кенглик, деб шуни айтсалар керакда.

ҲОЗИРЖАВОБ АЁЛ

Эшигингизни тақиллатсам хотинингиз чиқди.

-Носир ака шу хонадонда яшайдиларми?-дедим. Келинойим:

-Ҳа, шу хонадонда, -дедилар.

-Сиз кими бўласиз Носир аканинг?

-Мен, умр йўлдошлари бўламан,-деди келинойим.

-Ёлғонларни айтманг!-астойдил ҳазил қилдим мен. –Ўтган куни келганимда бошқа бир аёл эшик очиб Носир аканинг аёлиман, -деган эди.
Келинойим ҳам ўта ҳазилкаш экан. Тез гап топдилар:
-Гапингиз тўғри. Ахир, Носир аканинг иккита хотини бор-ку!-дедилар.

ТИШИМ ҚАНИ?

Севимли академигимиз Васил Қобулович Қобулов билан унинг кудаси профессор Қобул Содикович Абдурашидов поездда Москвадан келишаётган экан.Кечаси Васил ака косага беш-олти туршак солиб увитиб қўйибдилар. Буни Қобул ака кўрибди. Эрталабга яқин Васил ака туршакни суви билан еб-ичиб, косани ювиб, унга сув солиб протез тишларини солиб қўйибдилар

Васил ака ҳали уйқуда экан Қобул Содикович қарасалар, косада ўрикнинг данаклари қатор бўлиб ётибди. «Васил туршакни еб, данагини қолдирибди-да», -деб ўйлаб, косадаги тишларни суви билан ташқарига отиб юборибди.

Академик турганда бўпди жанжал, бўпди жанжал...

Поезддан тушибоқ кудалар тиш-протез шифокорига йўл олишибди.

ИТНИ ҲАМ СИЗЛАЙДИГАН КЕЛИН

Маҳалламизга ўзбек оиласига сочлари олтиндай товланадиган, кўзлари кўк, бўйлари узунгина, чиройли, ўта нозик рус келин тушди. У сўзлаганда, эрками-аёлни, томоша қовокни кўргандай-ҳаракатдан ҳам, гапиришдан ҳам тўхташарди. Ана ҳусну, ана жамол!

Келинчакларга хос атлас қўйлак, атлас лозим кийган, оёқларида оппоқ, ярқироқ туфли. Уни кўрган одамлар, шундай офатижон фариштани яратган Оллоҳга яна бир бор ҳамду-санолар айтмасдан иложи йўқ. Гапиришини айтмайсизми, битта-битта, чертиб-чертиб сўзларди. Бундай қизлар ҳақида аллома Лутфий:

-Сув бўйида нозик бир қиз ўлтирур, нозиклигинин, уни сув билан ютса бўлур! -деганлар.

Ўша келинга бир куни қайнонаси:

-Келинжон, Бўрибосарга овқат бердингизми?-деб сўрабди.

Келин эса:

-Олдиларига овқат қўйдим, емаяптилар,-дебди.

Маҳалладошлар эса, кирои келин шундай бўлса, ҳатто итни ҳам сизлаб гапиради, деб гап тарқатишди.

ЭНДИ ИККИТА ЎЗБЕКНИ БИЛАМАН

Киевда домламга Берунийнинг «Геодезия», деган китобини совға қилдим. Китобнинг уёғи—бу ёғини кўриб, домла:

-Мана энди, мен иккита ўзбекни биламан: бири сенсан, бири Беруний,- деди.

КАМТАРИН ДОМЛА

Менинг илк домлам ниҳоятда камтарин одам эди. У таниқли профессор. Илмий мақоламнинг иккита-учта камчилигини кўрсатиб ёзган тақризини ўқиётиб, дедим:

-Домла, мана бу нуқсонни нотўғри кўрсатганга ўхшайсиз?

Домла қизариб-бўзариб:

-Мени кечир, ёмонлик ниятим йўқ. Яхши бўлсин, деб ёзганман нуқсонларни. Сен ҳақ бўлсанг ҳозироқ ўчирамиз, -деб қўлига ручка олди.

* * *

Хотира ва қадрлаш куни ўша домла хонада ҳамма ёғига орден ва медаллар тақилган костюмини кийиб ойнага қараётган экан. Биз кириб келдик. У киши уялиб кетдилар. Гуё ордену медалларини кўргазма қилаётгандек туюлди.

Уруш қатнашчилари учун ташкил қилинган тантанага эса биттагина орден тақиб келган домлани кўрдигу, унинг нақадар камтарин инсон эканлигига яна бир бор қойил қолдик.

ЧОЙХОНА ПАЛОВ МЕНДАН

-Агар менга атаб шеър ёзсанг, ўн кишига ош қилиб бераман-деди уй боши Анвар ака.

Орадан бироз вақт ўтгач шеър тўқилди.

-Ҳар бир уйнинг бор сардори,
Кўп қаватли биномиз ори.
Гар номини сўрсангиз агар,
Сардоримиз Воҳидов Анвар!

Ўша воқеадан кейин Анвар ака бир неча марта ош бердилар. Ҳозир ҳам, ҳар кўрганида: -«бир ўтиришайлик, харажати мандан»-деб қўяди.

ШЕЪР ЎҚИСА ГУМБИРЛАР ОСМОН!

Нарзилла аканинг кулоқлари яхши эшитмайди, шу сабабли қаттиқ гапирадилар. Ўзлари адабиётчи бўлганларидан бўлса керак, чойхонага газета, журналлар ёхуд китоб олиб чиқиб яхши нарсалардан ғуриллаган овозлари билан иборали ўқиб берадилар, ўтирганлар: «балли, балли!»-деб у кишини олқишлаб туришади.

Нима бўлдию, бир йиғинда у кишининг товуши чиқмай қолди. Улфатлар у киши ҳақида ҳам шеър тўқишни мандан илтимос қилишди.

Келгуси ўтиришда мен шеър ўқидим:

Шеър ўқиса гумбирлар осмон,
Чақмоқ ҳам елар чойхона томон,

Бир йил олдин ўқилган шеърлар,
Қулоғимиз янграйди ҳамон.

Нарзилла ака ёш боладек яшнаб-яшнаб хурсанд бўлдилар.

БИР КОПТОК ТЕПСАК

Сайидвали ота қаттиқ бетоб бўлиб ётиб қолдилар. Анча вақт ўтса ҳам турабермадилар. Оёқлари шишиб кетган эди. Кўргани кирдик. Ҳол-аҳвол сўрадик. Бирга чой ичдик. У кишининг ўзи ўта ҳазилкаш одам эдилар. Яна ҳазилни бошладилар:

-Шамсиддин,-дедилар маҳалла котибига-шу дейман, бир копток олиб чиқсангиз, спорт майдонида бир тепишиб футбол ўйнасак! Нима дейсиз шунга?

Ўлим тўшагида ётган отанинг бу айтганларини ҳозир ҳам эслаймиз. Бу кунисига у киши оламдан ўтдилар. Худо раҳмат қилсин!

БИР ТУХУМГА ҲАМ ДАБДАБАМИ ?

Ҳовлида чой ичиб ўтирсак бир товук оғилхонадан чиқиб чунонам қақиллаб уёқ-буёққа юраберди. Дадам охири чидамай:

-Ҳой товукжон! Битта тухум туққанингга шунча дабдабами? Товушинг ўчмагур! Ахир, орамизда туққизинчи бола туққанлар бор-ку? Агар сенга ўхшаб уларнинг ҳам товуши чиқса борми?! -Яқинда фарзанд кўрган келинойимга ишора қилдилар.

ХУРСАНД БЎЛИБ ҚОЛДИНГМИ ?

Талабалик йилларимда ҳар ҳафтада уйга – ота-онам бағрига борар эдим. Онам раҳматлик оддий, самимий аёл эдилар.

Бир борганимда, эшикдан киришим билан итимиз Олапар келиб, менга осилиб, атрофимда айланиб, уёқ-буёққа чопиб, хурсанд бўлганини изҳор қилиш билан овора эди. Онам бўлсалар:

-Ҳа, Олапар! Акангни ҳаммамиздан яхши кўрасан-а, дедилар.

ҚОРИН ҚАНЧА КАТТА БЎЛСА...

Чойхонада ўтирибмиз-у, орамизда ниҳоятда семиз бир қўшнимиз ҳам бор. У киши ҳақида ҳазилкаш дўстлари: -«юқоридан қараб турсанг, аввал у кишининг қоринлари кўринади, кейин ўзларини кўрасиз», дейишади.

Иттифоқо, менга бир китоб беришиб, «сиз ифодали ўқийсиз, ушбу китобни ўқиб беринг» -деб қолишди. Китобни варақлаб ўқишга киришдим. Унда, кишининг характери, унинг ташқи кўринишига боғлиқ эканлиги ҳақида гап кетарди. Масалан, сочи тикка-тикка одам баджаҳил, агар сочи майин ва жингалак бўлса, ундай одам мулойим характерга эга бўлади, агар эркак киши

бўйи баланд бўлиб, бир томонга бошини қийшайтириб юрса, ундай одамдан яхши ташкилотчи ва рахбар чиқади ва шунга ўхшаш гапларни ўқиб бердим.

Навбатдаги вароғини очиб ўқишни давом эттирдим.

-Одамнинг қорни қанча катта бўлса, у шунча аҳмоқ бўлур...

Ҳамма семиз, қоринлари осилган Ҳайрулла акага қараб қўйишди.

Вазиятни бироз юмшатиш мақсадида Баҳодир: -Энди, бу гап, ўта семиз одамлар ҳақида ёзилган. Ҳайрулла ака бу тоифага кирмайдилар, -деди.

Шунда Ҳайрулла ака нима деди денг?

-Баҳодир, сен вазиятни шувама! Бу китобни ўзим ўқиб, сизларни ҳам ундан баҳраманд қилиш учун бу ерга олиб чикдим... Носиржон, ўқишни давом эттиринг!

ДАҲШАТ

Кондукторнинг: «чипта олинг, чипта олинг» –деган ҳархашасига:

-Ойлик чиптам бор! –дейман.

-Ҳазил қилманг! –дейди у. –Капкатта одам-а, уялмайсизми?

Мағрурона чиптамини кўрсатаман.

-Қандай даҳшат! –дейди кондуктор.

ЛИМОНАД

Бир хотин дўкондан 4 шиша ароқ, 10 шиша пиво олибди. Сотувчи билан ҳисоб-китоб қилаётганда, ёнида турган боласи ундан сўрабди:

-Ая, менга ҳам бир шиша лимонад олинг?

-Пул йўғида тикилинч қилма,- дебди онаси. Сен ҳам пиво ичаверасан.

ШУНИЯМ БИЛМАЙСАНМИ ?

-Бизнинг кўчага нега газ ўтқазишмайди?

-Кўчани аввал асфальт қилишмоқчи эмиш.

Газ ўтқазиш билан кўчага асфальт ётқизишни нима алоқаси бор?

-Қизиқ экансан, кўчага асфальт ётқизиб бўлингандан кейин, уни бузиб газ қувурлари ўтқазилади-да.

АВТОБУСДА

Қўшним билан автобусда гаплашиб кетдик. Бироздан сўнг ўтирган жойда ухлай бошлади. Мудроқ босса ҳам: -Маҳаллага етганимизда уйғотиб қўйинг? -деди менга. Йўловчилар кўпайгандан-кўпайиб, қўшим билан орамиз узоқлашди. Керакли жойда у кишини мен уйғотмасдан тушиб кетдим. У киши автобуснинг охириги бекатига қараб кетдилар.

Эртасига кўришдик.

-Нега мени уйғотмадингиз? –дўқ қила кетди қўшним. Мен ўша пайтдаги вазиятдаги тушунтирдим.

-Майли, майли, ҳеч қиси йўқ! –деди у. –Лекин, сиздан илтимос, мен ухлаб қолиб, охири бекатдан қайтиб келганимни ҳеч кимка айтманг!

ЭГАСИ ЁҚМАДИ!

-Картошкангиз неча пулдан?

-Бир юз йигирма бешдан.

-Юздан, икки кило беринг?

-Қочинг олдимдан! Бозорни олдини тўсманг! –Кета бошлайман.

-Амаки, нима, картошка ёқмадими? –сўрайди қўшни сотувчи.

-Йўқ, эгаси ёқмади! -дейман.

СЕН ҲАМ ЮЗГА КИРГИН

Туғилган болаларнинг қулоғига 95 ёшли отахон азон айтадилар. Кейин узундан-узоқ фотиҳа қиладилар. Сўзнинг охирида:

-Менам эдим сенингдек, сен ҳам бўлгин менингдек! –деб қўядилар. Бу сўзларнинг хосияти қанчалик улуғ эканлигини болалар тушунса қанийди.

“КЎСАК” ДЕГАНИ НИМА?

Етмишинчи йилларда юзлаб ёшлар Ўзбекистондан бориб Украинада ўқишди. Уларнинг ичида аспирантлар ҳам анчагина эди. Киевда ўқийдиган аспирантлар ва талабаларнинг бошини қўшиб, байрамларни, туғилган кунларни, диссертация ва диплом ҳимояларини нишонлайдиган, ёшларга ҳар томонлама ёрдам берадиган жамоа ташкилоти тузилди. Ташкилот Ўзбекистон олий таълим вазирлиги рўйхатидан ўтган ва қўллаб қувватланган. Ташкилотнинг номини “КЎСАК”, деб қўйганмиз: Киевдаги Ўзбекистонлик студентлар, аспирантлар кенгаши. Бош ҳарфлари олиб чиқсангиз “КЎСАК”сўзи чиқади.

Бу сўз фақат номи билан эмас, балки мазмуни билан ҳам мос тушди. Кўсак –ҳали очилмаган чаноқ. Яъни йигит-қизлар, аспирантлар ва студентлар.

Ҳозирда, уларнинг энг кичиги 50 ёшдан ошган. Етук мутахассислар бўлиб, мустақил ватанимизни мустаҳкамлашга ўз ҳиссаларини қўшаяптилар.

ДАРРОВ «ВИЧ-ВИЧ» БЎЛДИНГИЗМИ?

Институтга яқиндагина олиб қолинган ассистентдан, унга бир неча йил дарс берган домласи сўради.

-Исми-шарифингиз нима эди?

-Фалончи Фалончиевич!

-Биз, -дейди домла –шунча йил шу даргоҳда ишлаб юриб, «вич-вич» бўлмаган эканмиз. Сиз, муштдай бола, дарров «вич-вич» бўлақолдингизми?

ИШОНМАСДАН ИЛОЖИМИЗ ЙЎҚ!

Кўшним топограф. У теодолит, нивелир асбоблари билан ишлайди. Бу асбоблар тафсилотларни ўттиз-қирқ марта катталаштиради.

Кунлардан бирида чойхонада суҳбатда у киши айтди:

-Одамнинг уруғини бир миллион марта катталаштирадиган микроскопда кўришганда, ҳар бир уруғ ўз эгасига ўхшаш эканлигини олимлар аниқлашибди.

Бир муддат мулоҳаза юритиб олгандан кейин бир бобо деди:

-Бу гапни бошқа одам айтганда балким ишонмасдим. Лекин бу гапни ҳар куни дурбинга қарайдиган одам айтаяпти, ишонмасдан иложимиз йўқ!

ДАРАХТ НАФАСИНИ ТИНГЛАГАНМИСИЗ?

-Дарахтни кучоғлаб, унга қулоғингизни тутганмисиз?,-гап бошлади кўшним. -Қулоғингизни тутинг! Ўшанда дарахтнинг қаърида сеҳрли товушни эшитасиз. Дарахт ичида аста-секин тепага сув силжиётганини сезасиз. Дарахт – тирик жонзод. У одамга ўхшаб «овқат ейди, нафас олади». Фақат унинг оғзи пастда –она замин тупроғидан ва сувидан баҳраманд бўлади.

НАФРАТГА СЎЗ ЙЎҚ

Шифохона ҳовлисида чорпояда ўтирибмиз.

Иттифоқо, олдимизда чумоли уйи. Чумолилар узоқ-яқиндан, майда-чуйда озуқа бўладиган ўтларнинг уруғларини ташияптилар. Чумоли энг меҳнаткаш ҳашорат ҳисобланади. Чўнтагимизни кавлаб нон ушоқларини чумолиларга ташлаймиз. Уялари оғзида пайдо бўлган нон ушоқларига тегишмайди. Тайёр овқат уларга ёқмаётгандек.

Тажриба давом этади.

Нон ушоқларини чумоли уясидан узоқроқ масофага ташлаймиз. Чумолилар икки метрча масофадан нон ушоқларини таший бошлайдилар.

Гўё меҳнат билан нон топамиз, деяётгандек.

Ўша вақт биздан ўн-ўнбеш метрлар нарида шифохона омборхонаси очилиб, унинг дарвозасига «Москвич» автомобили орқаси билан кириб боради. Ундан шифохона бош шифокори –аёл киши тушади. Юкхона очилиб, унга оқ халатли икки югурдак олдиндан ҳар хил идишларга солиниб тайёрлаб қўйилган озиқ-овқат ашъёларини тезлик билан юклашади. Бош шифокор машинага зудлик билан ўтириб, бир зумда қўздан ғойиб бўлади.

Нима демоқчи бўлганимиз ўзингизга аён.

Чумоли текин томоқдан ҳазар қилади. Одамзоднинг бири эса, беморнинг ҳақини уйига олиб кетади.

Буни изоҳлашга сўз топилмайди.

САБЗИ ҲАМ БАҚЛАЖОНДАЙ ОСИЛИБ ЎСМАЙДИМИ?

Пахта теримида қизиқ воқеалар кўп бўлади. Кунлардан бир куни далада талабалардан бир-иккитаси, катта-катта, саб-сарик, ювилган сабзиларни қарс-курс тишлаб, еб кела бошлади. Демак, сал нарида, пахта майдонининг этагида сабзи экилган жой бор. Ўша ёққа юрдим. Қарасам, сабзига сув қўйилган. Полиз сувга бўкиб турибди. Бир қадам боссанг лойга ботасан.

Бошқа бир талаба сабзи олгани келган. Лекин уни тополмай овора. Унинг олдида, сабзининг эгаси бўлса керак, бир киши турибди.

-Нима қилиб бу ерда турибсан? -деди ҳалиги киши талабага.

-Шерикларим сабзи еб кетишяпти! –деди талаба. -Мен ҳам сабзига келувдим.

-Сабзига келган бўлсанг олмайсанми? –деди полиз эгаси.

-Тополмай гарангман! –деди талаба.

–Эй, шаҳарлик бўлмай кет! Ўзинг сабзининг устида турибсанку! –деди эгаси, ва этиги билан сабзи экилган агатни бир тепиб, икки-уч сабзини кўчиради-да, талабага берди:

-Ма, ол! Яхшилаб юв, ейишдан олдин!

Талаба бўлса сабзини ариқда юваётиб дейди:

-Мен қаёқдан билай! Сабзи ҳам бақлажон, помидор каби шохчаларда осилиб ўсади, деб ўйлабман-да!

ОБ-ҲАВОНИ БИЛИБ ҚАЙТАМАН!

Пахтанинг биринчи терими одатда эгат бўйича, тартиб билан терилади. Эрталаб терим бошлангандан бироз муддат ўтгандан кейин, талабалар турна қатор бўлишиб «шитир-шитир» пахта теришга киришади. Бир талаба этагини ечиб пахтанинг эгати бўйлаб кета бошлади.

-Домла, қаранг, Эшмат қаёққадир кетаяпти? –деди бошқа бир талаба.

Мен эса, кетаётган талаба табиий зарурат бўйича кетаётганини тушундим. Шунга қарамай.

-Хўш, Эшмат нега тартиб бузилаяпти? -деб қўйдим, шунда у:

-Домла, пастроққа тушиб, бугун оби-ҳаво қандай бўлишини билиб келмоқчи эдим! –деди у кулиб.

УРГАНИ УСТИГА ТЕПГАН

Қайнилари ишга ўргатаётган келин, уларга гоҳ у ишни, гоҳ бу ишни буюрарди. Улар буюрилган ишни тез бажармаса келинойисидан танбеҳ оларди.

Кунлардан бирида келин ошхонада экан, эшик аста очилиб, кимдир кириб келган.

Келин:

-Ким бўлсанг ҳам олдингдаги икки челақда сув олиб кел! –дебди.

Бироз ўтиб қайнотаси икки челақ сув билан кириб келган. Челақдаги сувларни «тарақ» этиб қўйиб, жаҳл билан ошхонадан чиқиб кетаётса, келин дебди:

-Кечиринг дадажон! Сиз эканлигингизни билмабман! Марҳамат қилиб, олиб келган сувингизни жойига олиб бориб қўйинг? Ҳали замон болалар келса, олиб келишади.

ТЕШИККА ЯМОҚ БЎЛМАНГ!

Ҳар замон- ҳар замонда ишга келадиган хизматчига бошлиқ дейди:

-Тешикка ямоқ бўлмай, ҳар куни ишга келсангиз бўлмайдимми?

-Мен ҳали ямоқ бўлдимми? –Тутқиб дейди ҳодим. –Мен қайси тешикка ёмоқман?... Сизникига эмасми?

«СОВУҚ» ЧОЙНАКЛАР

Тўй бўлаяпти. Зиёфат зўр. Ош тортилган. Мезбонлардан бири тўй эгасини чақиради:

-Манга қаранг, ошнам! Маҳаллангиз аҳли жуда тартибли, интизомли экан... Ҳаммамиз қойил қолдик... Шу дейман, чой опкелинглар, десак чой опкелаберар экан! Қаранг бир дастурхонда саккизта чойнак! Ҳаммасида қайноқ чой! Келинг, ўзингиз ушлаб кўринг?!..

-Нимага шама қилаётганингизни тушундим! –деди тўй эгаси. Кўп ўтмай ароққа тўла «Совуқ» чойнаклар пайдо бўлди.

«ВАРАҚНИНГ ОРҚАСИГА ҚАРАНГ!»

Талаба курс иши ёзган. Матн кўп бўлганидан дафтарга сиғмаган. Шу сабабдан муқованинг учунчи бетининг тагига «вароқнинг орқасига қаранг», деб ёзиб, қолган матнни муқованинг тўртинчи бетига ёзган.

Иккинчи талаба курс ишини биринчи талаба ишидан, тушунмаган ҳолда, кўчирган. У майдароқ ёзганидан, «вароқнинг орқасига қаранг» сўзи вароқнинг ўртасида бўлиб қолган. Матн эса шу сўзлардан кейин давом этила берган. Кўчиришни ҳам эплаган кўчиради.

ОИЛА МАБЛАҒИ– СУВ ОМБОРИ!

-Оила маблағи –сув омборига ўхшаган бўлиши керак! –деди бошқа кўшним. –Ҳар томондан дарёчалардай, унга пул оқиб келиши лозим. Маблағ тўпланиши керак! Сарф-харажат эса, сув омборидан кераклигича сув чиққандай, озгина-озгина расамати билан чиқиши керак. Ўшанда йиғилган маблағдан оила лозиматига оқилана ишлатса бўлади!

-Баъзи оилаларда –давом эттирди кўшним, -оила маблағи «сув омборига» тушмасдан айланма каналга ўхшаб, тўғридан тўғри сарф харажатга ўтиб кетади. Бундай оилада бирор-бир каттароқ тадбир ўтказиб бўладими?... Албатта йўқ!

ЎН БЕШТАКАМ ТУШЛИК

Ишхонада:

-Соатингиз неча бўлди?

-Ўн бешта кам тушлик.

ПУЛ ОЛИБ ЮРИНГ

Автобуста кетаётсам, аста-секин чўнтагимга ўғри қўл суқаётгангини сезиб қолдим.

-Мен ўқитувчиман! Чўнтагимда ҳеч вақо йўқ! -дедим.

-Ўқитувчиларнинг ҳам ҳар хили бўлади,-дейди киссавур...

Бироздан кейин, деди:

-Кап катта, басавлат одам экансиз. Чўнгангингизга бироз бўлсада, пул солиб юрсангиз бўлмайdimи!?

ИЛТИМОС, МАОШИНГИЗНИ ОЛИНГ!

Институтда ишлаб юрган вақтларимда ҳар бир факультет домлаларига маош тарқатаётган жамоатчи ғазначи бўларди.

У ҳаммага пул тарқатиб бўлибди-ю, фақат бир киши қолибди. Ўшам маошни олса, рўйхатни топшириб бу ишни охирига етказадиган бўларди. Лекин у «Толя амаки» ҳеч ҳам пул олишни ўйламасмиш. Аксарият домлалар кўпинча дарсни, илмий ишларни ўйлаб, бошқа юмушлар эсидан чиқиб кетадиган ҳалқ бўлади. Буни яхши билган ғазначи, Толяни, яъни Анатолий Константиновични кўриб қолиб, уни пул олиши кераклигини эсига солиш мақсадида, дебди:

-Анатолий Константинович! Менга овқатланишга 1000 сўм қарз бериб туринг?

-Абдулла Қодирович! Менда пул йўқ. Сизга ҳеч нарса беролмайман.

-Унда, -дебди Абдулла ака, ҳеч бўлмаса 300 сўм беринг? Буфетга тушиб чиқаман!

-Бир сўмим ҳам йўқ деяпманку. Ўзим ҳам ҳали тушликка чиқмадим!

-Унда, -дебди Абдулла ака, -нега уч кундан бери маошингизни олмайсиз?

Анатолий Константинович анқайиб қолибди ва хохолаб кулиб дебди:

-Абдулла Қодирович! Сен мени роса бопладинг! Офарин сенга!Аввало сувда ғарқ қилмоқчи бўлдинг...сўнгра,ўзинг қутқардинг!

Шундай деб, иккаласи ғазна томон кетишибди.

ТАРБИЯНИНГ ЯНА БИР ТУРИ

Имтиҳонда домла айтибди:

-Сиз саволларга озгина бўлсада жавоб бердингиз. «қониқарли», деб баҳо қўйса бўлади. Лекин мен сизга «қониқарсиз», деб баҳо қўяман. Сабаби, биринчидан, ўзингизга қаранг, қандай ақлли, келишган йигитсиз! Уч баҳо сизга ярашмайди! Иккинчидан, кеча автобусларда кекса кишига жой бермадингиз! Шу боис, баҳонгиз икки!

Ўша кундан бошлаб автобусларда барча талабалар кексаларга ҳам, домлаларга ҳам тезгина туриб жой берадиган бўлишди.

ЧОРАСИ ТОПИЛДИ

Фермер далага келганида ишчилар ариқ четига турнақатор бўлишиб ўтириб чой ичишарди. Яқинда, шу орада катта тепа бўлиб, у текисланган, ўрнига экилган пахта ўсмаган эди. Униб чиққанлари қовжираб қолган, кўп жойда эса ғўза умуман ўсмаган эди.

Ишчилар билан кўришиб бўлгач фермер, деди:

-Хўш, тепа ўрни-икки гектарча ер! Шундай қолаверадими?

Ишчилардан бири:

-Агар, битта қўй сўйиб бизга зиёфат берсангиз, эртага шу ерда ғўза ўсиб турганини кўрасиз!

-Айтганингиз амалда бўлса, бир эмас, иккита қўй сўйиб зиёфат бераман! - дейди фермер.

Эртасига фермер, ҳақиқатан, ўз машинасида катта бир қўй олиб келди. Тепа ўрнида қўчатлар ўсиб турар эди. Қўй шундай катта эдики у иккита қўй ўрнини босар эди.

Қандай қилиб пахта ўсиб қолди? -деясиз. Ишчилар сув қўйилган бошқа эгатлардан кетмон билан қўчатларни олиб келиб ўтқазишган эди, ўғит солиб, сув қўйишганди. Натижаси ўзингизга маълум.

БОШЛИҚЛИГИНГИЗНИ ҚАЁҚДАН БИЛСИН?

Ишхонамиз жамоаси икки автобус ёллаб, Аҳмад Яссавийни зиёрат қилгани Туркистонга кетаяпмиз. Йўлда, одатдагидек, автобуслардан бири бузилиб қолди.

Уни анча вақт тузатдилар. Бошлиғимизнинг асаби анча бузилди. Енгил машинада келмагани учун ҳам аччиқланди. «Ҳамма билан автобусда бораверинг, қайтанга жамоа билан бирга бўлиб бағри дилингиз очилади» деган муаовинидан ҳам хафа бўлди. Кейин йўлга чиқиб бирорта машинани тўхтатиб ўзи кетмоқчи ҳам бўлди.

Бошлиқ қанчалик уринмасин ҳеч бир машина тўхтамас, ҳайдовчилар гўё бошлиғимизга парво қилмаётгандек эди.

Шунда, бошлиғимиз билан ҳазил-мутуйиба қилиб юрадиган бир киши шундай деди:

-Нима қиласиз овора бўлиб? Ахир сизнинг бошлиқ эканлигингизни фақат бизлар биламиз! Хайдовчилар қаёқдан билишсин!? Билганларида дарров тўхтаб, олиб кетишар эди-да!?

НЕГА СЕН ҚОРОВУЛСАН?

Бошлиқнинг шляпасини қоровул кийиб кўриб, деди:

-Қаранг-а, хўжайин! Бошимиз бир экан, шляпангиз менга тўғри келди...

-Хей, нима деяпсан ўзи!, –деди шу ерда турган лаганбардор.-Бошинг бошлиқ боши билан тенг бўлса, нима учун бу киши бошлиқлару, сен фақат қоровулсан-а!?

ЭҲТИЁТКОР БОЛА

Уйга меҳмон келди. Ота ўғилни бир чеккага чақириб, битта ароққа пул бериб, дўконга бориб келишини айтди. Шунда ўғил:

-Дада, бирданига 3-4 шиша ароққа пул беринг! Мен ўртоғимникига дарс қилгани чиқмоқчи эдим!?

-У нима деганинг тирмизак? –тутоқди адаси.

-Бироздан кейин, ароқ олиб кел, деб яна дўконга юборасиз-да, дада! Бирданига керагини олиб келсам, кейин бўш бўлардимда!

ҚИЗЛАР ҚАЛБИ НОЗИК

Ўғлим билан қизимни боғчага олиб бораман. Ўғлим «хайр» дейди –ю, болакайлар олдига чопиб кетади. Қизим бўлса, то тарбиячисини олдига бориб, ўзига ўхшаган қизалоқларга дадаси билан келганини кўрсатмагунча, қўлимни қўйиб юбормайди...

Қизлар, уларни ҳурмат қилишларини яхши кўришади. Бундай хусусият уларда ёшлигидан тарбияланади.

МАШҚ ҚИЛИШДА ГАП КЎП

Номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб бўлгандан кейин илмий раҳбарим деди:

-Ҳимоя яхши ўтди! Лекин битта камчиликни айтмасдан иложим йўқ! У ҳам бўлса, ҳимоя жараёнида, ҳаяжонланмадингиз!..

Бунинг асосий сабаби ҳимояни беш-олти марта машқ қилганимда бўлса керак. Машқ қилишда гап кўп.

ҲЕЧ КИМ ТАНИМАДИ

-Ўспиринлик пайтим, чўмилишга кўп борардик. Бир куни чўмилиб бўлиб кийинаман, десам кийимларим йўқ. Кимдир ўғирлаб олибди.Ўша дамлар, ички

кийимни хўл қилмаслик учун яланғоч чўмилиш одат эди. Энди нима қиламан, уйга қандай етиб бораман, деб турганимда, калламга бир фикр келди. Бутун баданимни балчиққа булғаб, қоп-қора «негр» бўлдим. Шу аснода, югуриб уйга кетдим. Чамаси, ҳек ким танимади.

ОНАМ САЛОМ ДЕБ ЮБОРДИ

Профессор имтиҳон оляпти. Навбатдаги талаба кириб билет олди-да, ўтираётиб деди:

- Домла, онамлар сизга катта салом айтиб юбордилар... бирга ўқиганмиз, дедилар!

-Неча баҳо қўйишимни ҳам айтмадиларми, мобода? –дейди профессор, ҳайрон бўлиб.

ЯХШИЛИК ҚИЛАМАН ДЕБ...

Эски «Волга» машинаси юрмай қолди. Эгаси машинадан бош чиқариб, машинани итариб юборишимизни илтимос қилди. Оппоқ костюм-шим кийган бир дўстимиз машинани итарди. У пат-патлаб юриб кетди. Лекин машина орқасидаги қувурдан паға-паға тутун отилиб чиқиб ҳалиги дўстимнинг оппоқ кийимини сарғайтириб расво қилиб ташлади. «Волга» эгаси машинаси юрганидан хурсанд бўлиб, орқасига ҳам қарамасда йўлига равона бўлди. Дўстим эса, кийимини алмаштириш учун уйига кириб кетди. Биров яхшилиқ қилади, биров эса...

ТОШДАЙ «СИЛЛИҚ»

Ховлининг бир чаккасида катта-катта силлиқ тошлар ётибди. Ховлига сув сепилганда уларни ҳам ювиб ярқиратиб қўяман. Манзарали ўтлар орасида тошлар табиатнинг бир қисми бўлиб, дилимга ўзгача бир ҳузур бағишлайди.

Бу тошлар аслида харсанг тошлар бўлиб, уларни аввал сел суви, сўнгра шарқироқ тоғ суви, кейин дарё суви бошқа тошларга уриб-уриб силлиқ қилган. Тошлар шу кўринишга келиши учун неча йиллар ҳаракатда бўлган. Кўп машаққатлар эвазига шунақа кўримли силлиқ бўлиб қолган.

Тошлар аслида инсонни эслатади. Инсон ҳам бошқа инсонга ёқадиган, хуш табиатли инсон ҳолатига келиши учун қанча машаққатлар чекади. Аста-секин «силлиқланиб» боради. Шу боис, тошларни ташлаб юбормайман. Уларга қараб ўтиришни яхши кўраман.

ГАПИДА ЖОН БОР

Профессорнинг қизига бошқа бир профессор ўғлидан совчи келди, импортний машинада. Хотини яхши таассурот қолдирмади: ясанган-тусанган,

қимматбаҳо тақинчоқларга бой. Сухбат вақтида маълум бўлдики, совчи бўлиб келган профессор-таниқли хирург, куёв-келинга атаб ҳашаматли участка-ҳовли олинган. Келин бўлмиш қиз эса олий маълумотли, ота-онаси ва катта ойисининг тарбиясини олган.

Гапнинг қисқаси, қизнинг отаси қизини келинликка бермади. Сабаби, куёвнинг бой оиладан эканлигида. “Қизим, бой оилада чўри бўлгандан кўра, ўзимга ўхшаш оддийгина оилага тушса, дегандим”-деди профессор. «Ундан кейин, тайёр участкада келин-куёв яшармиш.

Келин деган, бир-икки йил қайнона билан қайнотасихизмат қилиб, оиланинг аччиқ-чучугини кўриб, кейин алоҳида яшаса ҳаёти яхши бўлади-да!»

Профессорнинг гапида жон борга ўхшайди.

КЎЗ ОЧИБ КЎРГАН

Куёв келин билан ажрашди. Ҳаммаси бўлиб, икки ой яшашди. Сабаби, келиннинг асаб касали бор экан. Ота-онаси буни билиб туриб индашмаган. Турмушга чиқса, балким, яхши бўлиб кетади, деб ўйлашган.

Йигит бошқага уйланди. Яшаши ёмон эмас-яхши. Нолийдиган жойи йўқ. Фақат... дили хафа. Биринчи хотини ҳаёлидан чиқмайди. У машинада, биринчи хотинининг кўчасидан юриб қолса борми, оёқ-қўли титраб, нима қилаётганини билмай, бутун вужуди билан машинанинг рулига ёпишиб, то унинг уйи олдида ўтиб узоқда қолганига ишонч ҳосил қилганигача титроқ босиб, кейин биров ўзига келади. Биринчиси биринчи-да. Кўз очиб кўрганида. Ҳатто, касал бўлса ҳам...

СИНИФИМИЗДА

Синифимизда
Аълочилар бор.
Кўп болалар
Уч олмас зинҳор.

Мисол учун
Пўлат ва Собир,
Тиллабой қизи
Ҳар ишда моҳир.

Яна айт-айт ,
Бордир ёмони.
Ғалладан кўп-ку,
Хирмон сомони.

Санобар қиз
Яхши ўқувчи.
Афсуски ул қиз,
Кечга қолувчи...

Синифимизда
Аълочилар бор.
Кўп болалар
Уч олмас зинҳор.

МАСАЛ

Айикполвон бўкириб,
Ўрмонга дод-вой солди.
-Нима бўлди?, -деб, ундан,
Дўстлари хабар олди.

Жарроҳ Турна кўриб ҳол,
-Кўр ичагинг бор, -деди.
-Уни олиб ташламоқ,
Соғлиққа даркор, -деди.

Ўн кун ўтмай Айиквой,
Оёққа туриб кетди.

Унитишиб касали,
У бардам юриб кетди.

Ҳисса:
Касалнинг олдини,
Олмоқ яхшидир асли.
Дилга шодлик бахш этар,
Саломатлик гул васли.

ҚИЗЛАР-О

Қизлар, қизлар, қизлар-о,
Ўтга солган сизлар-о.
Қирқ ўлимли сочлари,
Ой каби ой юзлар-о.

Қизлар, қизлар, қизлар-о,
Мафтун боқар кўзлар-о.
Юракларни ёндирган,
Ошиқ тинмай излар-о.

Қизлар, қизлар, қизлар-о,
Мафтун боқар кўзлар-о.
Куни-туни йўқ уйку,
Кўнгил қурғур бўзлар-о.

РАШК ҒУБОРИН ТАРҚАТСАНГ

Ёмғир шундай шовуллаб ўтди,
Оқ булутлар сузар аста.
Шарқ томондан камалак чиқди,
Дарё тўлиб-тошди бир пастда.

Гул-лолалар майин тебранар,
Баргларини шудринг қучади.
Самоларга етаман дея,
Дарё узра лочин учарди.

Шамол каби келсанг малагим,
Ёнган дилга бўлардинг малхам.
Рашк ғуборин тарқатсанг бутун,
Қалбим жаннат бўларди ҳар дам.

БАҲОР ҲАВОСИ

Саҳар чоғи далага чиқдим,
Димоққа хуш баҳор ҳавоси.
Шаббодалар-гўзал, дилрабо
Шоир қалбин илҳом давоси...

Бир зум булут қовоғин солиб,
Турган эди кесилди бағри,
Чакмоқ зарби букулди аста,
Гумбирлади, келганди қаҳри.

Ариқларда шаррос томчидан,
Қирғоқлари тўлиб тошарди.
Ёмғирли кун шод-қувончидан,
Болалардай дилим яшарди.

АЛАТОО

Қор кўрпангда тобланиб,
Булут билан қопланиб,
Асрлар оша мағрур,
Туришинг соз, Алатоо!

Катта тошлар бағрингда
Тенгсиз қардош бағрингда,
Жингил жийда сойларингда
Хушбўй иффор, Алатоо!.

Ўтга тўла қирларинг,
Беҳисобдир сирларинг,
Қўй-қўзилар хазинанг
Туришинг соз, Алатоо!

Шабадалар бағрингда,
Туюлар шамолдайин.
Ёзда ёққан қорларинг,
Тез кетар ҳаёлдайин.

Навқирон йигит эдим,
Бағрингга олдинг – Алатоо!
Сени қучдим, умрбод
Эсимда қолдинг-Алатоо!

ТУГАМАС ҚЎШИҚ

Баҳор чоғи эсарди сабо,
Дарё сокин таралар наво,
Ёлғиз ўзинг дилимга сирдош,
Гар билсанг мен қалбингга йўлдош.

Сўзларимни эшитиб аста,
Қошу кўзинг бўлиб пайваста,
Шу лаҳзада мен қувноқ эдим,
- Бир умрга севаман дединг.

- Энди ҳаёт йўлларимиз бир,
Мақсадимиз, ўйларимиз бир.
Бирдир доим дилда аҳдимиз,
Бирдир доим муҳаббатимиз...

СОВҒА

Сенга совға қилмоқни истаб,
Гулзор ичра кезаман саҳар.
Тонг қўйнида ажиб манзара,
Ғунча кулар мисоли гавҳар.

Очилибди қувончим, бахтим.
Очилибди ғунчаи зумрад,
Дилда туғён муҳаббат, севги
Ол гулимни жоним этмай рад,

Баҳорнинг юз очган илк гули,
Носирдан сенга бўлсин ҳадя.
Оддий сўзмас, билсанг гар жоним,
Бу юракдан чиққан мадҳия.

КЕЛМАДИ

Қиш фасли ярим ўтибон, қордан дарак келмади,
-Келаман, кутинг!, -деган ул ёрдан дарак келмади.

Танишганда, - бу ҳаётда бизчи - бир биримизга,
Яратилган, -дебон айтган, ифтиҳорим келмади.

Кўкси тоғим, кўнгли боғим, ул берур менга сабоқ,
-Қайтаман, жоним! -дегувчи интизорим келмади.

Айрилиқдан азобдаман, юрагим фиғон урур,
Ҳар бир сўзи оташ мисол, юрак торим келмади...

-Эй Носиржон, кутишни қўй, ўзинг боргин олдиға,-
Рад жавобин берса айтгин: -Севган ёрим келмади.

БОРЛИҚ ГУЛГА ТЎЛАДИ

Гул васли етиб келди,
Баҳор бўлди, дўстларим!
Тоғдан оққаншалолаға,
Анҳор тўлди, дўстларим!
Куртаклардан аста-секин
Гул очилар дўстларим!
Узоқ элдан кушчалари
Йўлга чиқди, дўстларим!

ОЛТИАРИҚ ҚИЗЛАРИ

Шаҳло каби кўзлари, олма-анор юзлари
Юрагим чўғ куйдирар - Олтиариқ қизлари.

Ойдан ўзар, интизор паривашдир ўзлари,
Юрагимнинг илхоми - Олтиариқ қизлари.

МАКТУБ

(Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийга ўхшашма)

Дил изҳорим оқ қоғозда,
Дадамларга салом айтгум!

Остонада бедор кутар,
Онамларга салом айтгум!

Бахт тилаб ул турмушида,
Акамларга салом айтгум!

Хурсанд бўлиб ўқиб юрган
Укамларга салом айтгум!

Кўни-кўшни, кичик-катта
Оғамларга салом айтгум!

Узоқ-яқин, таниш-билиш
Тоғамларга салом айтгум!

Дедим, бунда, Носир ўғлинг,
Иши яхши, соғдир албат.

Сизлардан бир хабар бўлса,
Думоғи чоғ бўлар фақат.

Оила гар дарахт бўлса,
Носир ҳам бир бутоғидир.

Соғлом бўлсин барча бутоғ,
Дарахт шунда яшар узоқ.

Шеърла битдим мактубимни,
Ҳамма фикрим зикрим қўшиб.

У албатта етиб борар,
Йўллаяпман қалбим жўшиб.

ОЙГА

Кўз ўнгимда сиймонгни кўрдим,
Илҳом боғларида сен ғунча.
Солаяпсан дилимга оташ,
Ёз деб қалам тебратмагунча.

Ўткир этиб қаламим,
Олмоқ истаб "аламим",
Хуснингни ёзиб кетдим,
Қатор - қатор шеър битдим.

САВОЛ

Ёшлигим, қайтмас орзулар,
Қани-у, уйқусиз тунлар?
Нечун келмас, тошқин илҳом,
Қани у беором кунлар?
Не сабаб ташлаб кетдилар,
Кўзимни ёшлаб кетдилар.
Ё юрак макон эхмасми,
Ё ўзга сўзни демасму,
Ёки, хато қилдимми, қўпол,

Ё сўз келдими, малол.
Улғайиб қолдимми, дарров,
Ё, тўсқин бўлдими, биров,
Нима сабаб бўлди-айтинг?
Келинг, қалбимга қайтинг!...

ЖАВОБ

Васлинг излаб сарсондир кунлар,
Ҳижронингда ўтгандим тунлар.
Шукр йиллар ўтмай орадан,
Шамоллардек эсиб дарадан,
Юрагимга қайтди у илҳом.
Дилга берди муҳаббат ором,
Дилимга қайтди беором.
Севиб севилмоқлик бу бахтдир
Икки дил чирмашган дарахтдир.
Севиб-севилмоғимдир жондан,
Шунда яшнар кўнглим ул тонган.
Юмуш қилгим келмайин қолди.
Ақли-хушим гоҳо йўқолди.
Нима сабаб бўлибди бунга?
Азобим ичра кундан-кунга,
Севгим оташ дилда қолдими,
Яна қалбимдан жой олдими?
Севдими ё мени айт биров,
Йўқмикин йўлда бирон ғов?
Ким экан у илҳомим берган?
Кимни дейин оромим олган?
Наҳот ўша у Зухра бўлса,
Наҳотки у қалбим ғамгусори,
Яна оташ севгига тўлса.
Яна юрак ҳаётдай кулса,
Дилга қайтди оташ муҳаббат,
Армонларим қайтди бетоқат.

КЎЗЛАРИНГ

Вужудимни ўртаган, ул қородир кўзларинг,
Бир ёра оҳу-зору, мубтолодир кўзларинг.
Қоронғи кечам узра, юлдуз бўлиб чакнаган,
Дилга оташ чўғин солиб ёнодир кўзларинг.

Қоронғу кечаларни этади кундуз кўзларинг,
Бир йигитнинг йўлига зордир ҳаргиз кўзларинг.
Кўзларингни яширма, майли улар чақнасин
Қалбинг гўё осмон, мисли юлдуз кўзларинг.

Бошима не маломатни соладур бу кўзларинг,
Эшитганда ҳар он ақлим оладур бол сўзларинг,
Унутмагил термулиб қолаётган ул кўзларни,
Алдамай ростин айтайин, аълодир кўзларинг.

ОНАМГА ХАТ

Хайр ўғлим, дея ғамгин кўкрагимга қўйиб бош,
Кўзингиздан кўйлагимга оққан экан томчи ёш,
Ёш қуригач из қолибди онажон кўйлагимда,
Кўзларимга ёшлар келди, шу изни кўрганимда.

НАРЗУЛЛА АКАГА

Шеър ўқиса, гумбурлар осмон,
Чақмоқ елар чойхона томон,
Бир йил олдин ўқилган шеърлар,
Қулоғимда янграйди ҳамон.

АБДУВОҲИД АКАГА

Поезд кетар пўлат изидан
Ҳайдовчиси маҳалламиздан.
Йўловчилар мамнун ҳамиша,
Ширин сўзли саҳоватпеша.

АНВАР АКАГА

Ҳар бир уйнинг бордир сардори,
Бизга ўртак номуси - ори.
Дўстлар учун дилдаги бори,
Воҳидов Анвар – Сардорни.

ҒОФУР ЧОЙХОНАЧИГА

Чой дамлайди қўли кўксида,
Мазза қилиб суҳбат қурасиз.
Дам оласиз чойхонасида,
Ва уйкудан бардам турасиз.

ОРОЛ

Қани эди тўлса Орол,
Кеча-кундуз тилар эдим.
Орол дея, бўлиб завол,
Юрак бағрим тиғлар эдим.

Ватанимнинг бир парчаси
Хаста бўлиб ётибди-ку,
-Нега? –деб, берсанг савол,-
Қарамликка йўнар эдим.

Сувлар билан тўлса Орол,
Роса хурсанд бўлар эдим.
Гул-чечак-ла кулса Орол,
Унга бардош тилар эдим.

Риску-рўзинг берар Орол,
Кел дўстгинам мадад бўлгин.
Дил тубида соф ният-ла,
Сен ҳам мендек ҳамдард бўлгин.

ЎЗИНГ МАДАД БЕР!

Қанча олим келиб-кетдилар қаён?
Қаён кетгани фақат Оллоҳга аён,
Уларнинг макони бизга ҳам макон,
Оллоҳим, бизга ҳам ўзинг мадад бер!

Фаробий "Мантиқ"ни битгани ҳамон,
Ҳоразмий "Ал-Жабр"ни ёзгани замон,
Беруний буюкликка келтирди имон,
Оллоҳим, бизга ҳам ўзинг мадад бер!

Беруний ижоди-ўзи бир жаҳон,
У фаннинг қуёшидир, тингловчим инон,
Беруний макони бизга ҳам макон,
Оллоҳим, бизга ҳам ўзинг мадад бер!

Темур тарихини-билади жаҳон,
Жонкуяр саркарда, буюк қўмондон!
Элни элга қўшиб-Эл қилган инсон
Оллоҳим, бизга ҳам ўзинг мадад бер!

Улуғбек қисмати ҳаммага аён,
Пастлик қилди унга етти-қат осмон,
Халқини кўтарди кўкларга томон,
Оллоҳим, бизга ҳам ўзинг мадад бер!...

Қанча олим келиб,-кетдилар қаён?
Қаён кетгани фақат Оллоҳга аён!
Уларнинг макони Носирга макон,
Оллоҳим, унга ҳам ўзинг мадад бер!

НОМОШОМГУЛ

Ҳар томонга бўй тарқатиб,
Куйлар нафис сурнайчалар.
Кўнгилларни кўклам айлаб,
Номошомгул куйлар чалар.

Номошомда либос кийиб,
Субҳидамда яшнаб турар.
Келинчакдай гўзал ўзи,
Тунда ойга юзин тутар.

ГУЛТОЖИХЎРОЗ

Савлат-у, виқор билан
Туришинг соз
Гултожихўроз!
Нозик гуллар пойингдадир
Эгил бироз
Гултожихўроз!

Уруғинг кўп, дўстларинг оз
Гултожихўроз!
Якка дўстинг-Шўра ўтдир-
Масхарабоз,
Гултожихўроз!-
Носир айтар:
-Гапи кўпу, фойдаси оз,
Гултожихўроз!-
Уни эшит, қил эътироз
Гултожихўроз!

Савлат-у, виқор билан
Туришинг соз

Гултожихўроз!
Нафис гуллар пойингдадур
Эгил бироз,
Гултожихўроз!

ЎЗБЕКИСТОН

Ер юзида бир жой бор,
Оллоҳ берган эътибор.
Суви зар, ери гавҳар,
Юртбошимиз доно раҳбар.
Егани олдидадир
Емагани ортида,
Жаннатмакон юрт боғу-бўстон,
Ўзбекистон, бу-Ўзбекистон!

Тарихи бой азалдан,
Сўзи гўзал ғазалдан.
Боболари мисли пир,
Болалари асалдир.
Дегани олдидадир
Демагани ортида
Жаннатмакон юрт боғу-бўстон,
Ўзбекистон, бу-Ўзбекистон!

Қуёш кулиб боққанда,
Ой қувонар ёққандан,
Баҳор келар гул фасли,
Тоғларда лола асли.
Тоғлари кўп бу элнинг
Боғлари кўп бу элнинг
Юздан ортиқ миллатга ошён,
Ўзбекистон, бу-Ўзбекистон!

Шу заминда бор исмим,
Тупроққа кетар жисмим.
Бахтлиман шу диёрда.
Тахтлиман шу диёрда.
Бахти бордир бу элнинг
Аҳди бордир бу элнинг
Бутун дунё тан олган макон,
Ўзбекистон, бу-Ўзбекистон!

НЕВАРАМ АМАЛГА

Кўк кўзим, оппоғим, асалим,
Дилимда меҳрим бор лиммо-лим,,
Муносиб бўл аданг, дадангга
Шунда шоддир ҳамиша дилим.

Қунт билан ўқиган кўп билар,
Толёи иқболи ёр бўлар,
Бўларсан қонуннинг эгаси,
Иқболи кулган юрт эртаси

МУАТТАР ҚИЗГА

Менга атаб шеър ёзинг дединг,
Илтимос, деб, чакнади кўзинг,
Гўё қалбинг мен сезармишман,
Муҳаббатсан, шеърсан-ку ўзинг.

Қ. Э. ГА

Тўхта, шошма,
Вақтдан ўзиб кетолмайсан!
Бахтинг менман,
Ўзга бахтга етолмайсан!

ҚАЛБИНГГА ЙЎЛ ТОПИШ ҚИЙИН

Олам жаннат каби яшнаган бўстон,
Севгига бағишлаб ёзаман дoston
Ташвишлар ҳам билсанг азобим дейин,
Фақат қалбингга йўл топишим қийин!

НИГОРА ҚИЗГА

Нигоҳингни қададинг гулга,
Ҳидлаб туриб гул васли дединг.
Ширин сўзинг оромбахш дилга,
Ўзинг гулдек чиройли эдинг!

* * *

Исмингни ҳам сўрай олмадим,
Гавҳармисан ёки Феруза.
Лекин билдим латофатлисан,
Қалбинг эса, булоқдай тоза.

* * *

Йўловчига йўлдошу, кузатасан кечалар,
Севишганлар жуфтини, узатасан кечалар.
Булут тутса осмонни гоҳ кетиб, гоҳ чиқасан,
Бир жилмайсанг гул юзинг чароғондир кечалар.

* * *

Одамнинг одамгарчилиги унинг китобга бўлган муносабати билан ўлчанади.

* * *

- Ростини айтсам
- Баъзида ёлғонни ҳам гапираману, лекин ҳозир чиндан ҳам ростини айтяпман.

* * *

У шундай қув эдики, баъзида ўзини ўзи алдаб қўйганини билмай қоларди.

* * *

Савдо-сотикни яхши кўрган одам – пулни яхши кўради. Пулни яхши кўрган одамдан эса, одамгарчилик чиқмайди.

* * *

Кайфият яхши пайт ваъда бериб юбориш ҳеч гап эмас. Уни бажаришни ҳам ўйлаш керак.

* * *

Ўзини ишлашга мажбур қила билган одамгина, бировга гапини ўтқаза олади.

* * *

Кўнгил ҳоҳлаган ишни эмас, қилиниши лозим бўлган ишни қилиш керак.

* * *

Бирор нарсани билмаслигингни билсанг, бу ҳам билим.

* * *

Гуркираб ёнган шам тез ўчади.

* * *

Бир киши сенга бировни ёмонласа, “ёмоннинг” гапини ҳам эшитмасдан ҳукм чиқарма.

* * *

Оппоқ чойшабда кичкина доғ ҳам яхши кўринади.

* * *

Мен мени ўзингдан ҳам яхши биламан.

* * *

Инсон учун дунёда энг бебаҳо нарсa: Соғлиқ, қолаверса Она, Фарзанд, Вақт, Обрў, Муҳаббат.

* * *

Сени алдаган дўст – дўст эмас. Ундан эҳтиёт бўл.

* * *

Ёлғон гапириш – муттаҳамликнинг биринчи белгисидир.

* * *

Дўстларим ҳамда китоб ақлни ҳамиша чархлаб туради.

* * *

Олға, деб аюҳаннос солгандан кўра,
Оёғинг остига ўзинг бир қара.

* * *

Гапни гапириш каби, уни диққат билан тинглаш ҳам бир санъатдир.

* * *

Ҳаёт курашлардан иборат. Шунинг учун у гўзалдир.

МУНДАРИЖА

Буюк аждодлар замини.....	3
Шеърлар.....	54
Қайдлар.....	67